



ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН АҚШ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Конгресси аъзоси, Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламент кокуси иштирокчиси Кэрол Миллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва

кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида парламент аъзоси давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти,

Конгресс раҳбарияти ва Ўзбекистон бўйича кокус аъзоларининг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Икки томонлама ҳамкорликда юқори даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Фаол сиёсий мулоқотлар ва идоралараро алмашинувлар давом этмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар ортди, бизнес кооперацияси кучаймоқда.

Тошкент шаҳрида Вебстер университети ва Америка технология университети фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, транспорт, боғхона, миграция, маданият ва бошқа устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Кэрол Миллер Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси, жумладан, иқтисодий ва модернизация қилиш, демократик институтларни, энг аввало, парламентни мустақамлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишлар натижаларини юксак баҳолади.

Иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни, шу жумладан, тоғ-кон, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгар суриш мақсадида парламентларо ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Америка штатлари билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар ва Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 март куни ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Аҳолининг ҳаёт сифатида муҳим бўлган бундай ишлар қамрови кенгайиб бормоқда. Бу йил 1 минг 619 километр ичимлик суви, 521 километр оқова сув тармоқларини тортиш, тизимдаги 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Буларнинг натижасида 715 минг аҳолига илк бор тоза ичимлик суви етиб боради, 135 минг хонадон оқова тармоғига уланади, 157 минг истеъмолчига замонавий ҳисоблагич ўрнатилди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ичимлик суви бўйича 340 миллион евролик 3 та лойиҳа келишилди. Жумладан, Франциянинг “Suez” компанияси Денов, Шўрчи, Сарноисё ва Кумқўрғондаги ичимлик суви таъминотини хусусий бошқарувга оляпти. Натижада вилоятда марказлашган ичимлик суви қамрови 90 фоизга етиши кутилмоқда.

Оқова тармоғи мавжудлиги қурилиш, саноат ва хизматлар ривож учун муҳим омил. Уни кенгайтириш учун бюджетдан ҳар йили триллионлаб маблағ сарфланмоқда. Лекин фақат шунга қараб қолмасдан, соҳага хусусий секторни кенгроқ жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, маҳаллий тадбиркор Оснё тараққиёт банки иштирокида Олмалик, Бекобод, Ангрена ва Чирчиқ шаҳрида оқова сув тозалаш иншоотларини қурапти. Яна бир тадбиркор Андижондаги иккита туманда сув ва оқова хизматларини хусусий бошқарувга олиш ташаббуси билан чиққан.

Шу каби хусусий шериклик лойиҳаларини кўпайтириш, йирик корхоналаримизнинг халқаро тендерларда қатнашиш имконини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Энди тендерларни тезлаштириб, йил якунигача 850 миллион долларлик ишларни бажариш топириги берилди.

Яна бир муҳим вазифа — соҳани рақамлаштириш. Бунинг учун Оснё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистрал қувурларга 4 минг 800 та “ақли” ҳисоблагич, 2 минг 800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган.

Бу электротехника саноати учун катта бозор экани қайд этилиб, ҳисоблагич ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатишни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Иссиқлик таъминоти табиий газ энг кўп сарфланадиган соҳалардан бири. Шу боис, 11 март куни бу соҳани тубдан ислох қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, “Иссиқлик таъминоти” компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардаги 23 та корхона унинг таркибига ўтказилди. Кейинги беш йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 19 триллион сўм йўналтирилади. Марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови 37 фоиздан 58 фоизга етди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича топшириқ берилди. Қайд этилганидек, 9 мингта уй-жой ва бинолар ёпиқ иситиш тизимига ўтказилди. Натижада иссиқлик йўқотилиши 2 баробар, газ истеъмоли 20 фоизга камаяди.

Йиғилишда баҳорги экиш тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳокимликлар захирасида турган ерларни ажратишнинг соддалаштириш чоралари белгиланди.

Энди қишлоқ ерларини аукционда бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотиш бекор қилинади. Аукционда сотилмаган ернинг қиймати кейинги савдоларда кунига 10 фоиздан пасайтирилади. Такрорий аукционда битта иштирокчи қатнашса ҳам ғолиб ҳисобланади. Ернинг 10-20 фоизи чорва учун озуқа экишига чиқарилади.

Ҳозирда 93 мингдан зиёд фермерлар фаолияти тадбиркорлик рейтингини орқали баҳоланапти. Энди бу рейтинг ҳисдорлик, ишчи сони, маҳсулот ҳажми каби мезонлар бўйича алоҳида бўлиши маълум қилинди.

Юқори рейтингдаги фермерларга кредитни қайтмаслик хавфини суғурталаш талаби бекор бўлади. Ер солиғи 3 баробар, фермерлар кенгашига тўланадиган бадал 2 қарра камайтирилади. Пахта ва галлада меъёрдан кўп ҳосил олганларга 25 фоизгача ерида чорва озуқаси, сабзавот, дуккакли ва бошқа экинларни алмашлаб экишга рухсат берилди.

Президент фармойиши билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда олиб борилаётган деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ахборот берилди.

Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилаш муҳим экани таъкидланди. Жумладан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда геомембрана қопламали ховузлар барпо этилади.

Ўтган йили тажриба тарзида 208 та маҳаллада “маҳалла-сервис” компаниялари ташкил қилиниб, аҳолига 23 турдаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган эди. Энди бу тизим кенгайтирилиб, яна мингта шундай компания тузилади. Хизматлар тури ҳам камида 30 тага етказилади. Хитой тажрибаси асосида 5 минг киши маҳаллага хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилади ва 15 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бу йилдан 208 та туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлиmlари таркибида ички йўлларни сақлаш участкалари ташкил қилинди. Уларга қўшимча 5 турдаги махсус техника сотиб олиш учун 700 миллиард сўм ажратилди. Мутасаддиларга ички йўлларни таъмирлаш, маҳаллаларда энергия таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

Буюк ўзбек йўли

ОНГ, ДУНЁҚАРАШ, ФИКР ЎЗГАРМАСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ

Одамларда макон ўзгаришлари фавқуллодда ҳолатлар, уруш ва турли ихтилофларни юзага келтирган. Миллатлар томонидан йўқотилган маконлар минг йиллик урушларга сабаб бўлган. Муқаддас китоблар, хусусан, Қуръони каримда инсонга маконни, яъни ватанни имон қадар эъзозлаш, унга муносиб бўлиш, обод қилиш, ўзгартирмаслик, замонни эса яхшилаш мақсадида ўзгартаришга рағбат этилган. Замонни ўзгартариш борасидаги саъй-ҳаракатлар барча ренессанслар ва инсониятнинг ақлий, иқтисодий, маънавий ҳамда технологик тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган.

Ўзгаришларга даъват

Ўзгаришларга илохий даъват барча муқаддас китобларда битилган, Ҳазрати Одамнинг Ерга туширилиши даврдан бошланади. Одамзодга ўз меҳнати билан ҳаётни ўзгаририш, ерни яшашга яроқли қилиш ва уни обод маконга айлантириш вазифаси юклатилган. Макон ободлигига эришиш эса замони, вақтга бўлган муносабатни ўзгариришдан бошланади.

Ободликка эришиш рағбати ва ҳаракати омад ҳамда барокот манбаидир. Ўзгаришлар қилиш ижтимоий зарурат ҳисобланади ва айнан Ўзгаришларгина маконни яхшилаш, табиат, жамият ва инсонни такомиллаштиришга имкон экани муқаддас китобларда, ҳадиси шарифларда ўқтирилган.

► **Давоми 3-бетда**

Нуктаи назар

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ НИМАДА?

Коррупция давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига жиддий тўсиқ сифатида жаҳон миқёсида энг долзарб муаммолар сирасига киради. Шу сабабли бутун унга қарши курашиш кўллаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам халқаро стандартларга уйғун равишда коррупцияга оид жиноятларга жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бўйича қонунчилик тизимини такомиллаштиришга давлат бошқарувининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралапти. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан энг муҳим стратегик қадам сифатида эътироф этилди.

Мазкур қонун ижросини самарали ташкил этиш ва соҳада парламент назоратини таъминлаш мақсадида Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасида коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар фаолияти йўлга қўйилди. Ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилди.

► **Давоми 2-бетда**

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

ЕРИ БОР ОДАМ КАМБАҒАЛ БЎЛМАС

Жиззахда янги тизим асосида томорқа ва ижара ердан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадини оширишга бағишланган кўчма кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда вилоятдаги 58 та оғир маҳаллага бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, ҳудудий тижорат банклари раҳбарлари, камбағалликни қисқартиришга масъуллар, маҳалла раислари иштирок этди.

Семинар кун тартибида томорқачилик кўрсатилган бўлса-да, амалда муҳокама мавзуси ҳам, географияси ҳам анча кенг бўлди. Чунки энди ҳудудларда маҳалла аралашмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Оддий тўй-маъракадан тортиб, давлатимизнинг устувор соҳалар тараққиётини белгиловчи дастурларига ҳам маҳалладаги катта-кичик билан бамаслаҳат, кўпчилик билан кенгашиб амалга ошириляпти.

Маҳалла бошқарувида азалдан қарор топган бу тарихий қадрият бугун нуртмиз равнақиға қаратилган вазибалар ижросида ҳам самарали қўлланмоқда. Шу боис, кўчма кўргазмали семинар Жиззах шаҳридаги лойиҳалар, маҳаллалардаги ободонлаштириш ишлари билан танишувдан бошланди.

► **Давоми 4-бетда**

ҲАЁТ БОҒЛАРИНИНГ БОҒБОНИГА АЙЛАНАЙЛИК!

Қўқлам сепини ёйган айни кунларда юртимизда баҳорги ишлар жадал бошланиб кетди. Хусусан, шаҳару қишлоқларда, далаю қирларда боғу роғлар барпо этишга катта эътибор қаратилмоқда.

► **Давоми 4-бетда**

Нуқтаи назар

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ НИМАДА?

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, халқаро стандартларга мос равишда коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги очилди. Ҳозир ушбу агентлик соҳада давлат сиёсатини тизимли ва самарали юришти билан шугулланмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун муқаррар жавобгарликни таъминлаш бўйича коррупцияга қарши курашишнинг уч йўналишдан иборат барқарор миллий модели ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида изчил амалга ошириб келинаётган ислохотлар марказида коррупцияга қарши курашиш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жараёнда ҳар икки йилга мўлжалланган давлат дастурлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиб, ижрога қаратилиши коррупциядан холи муҳитга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишлар сарҳисоби бўйича Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 мартда ўтказилган навбатдаги йиғилиши соҳада янги саҳифа очди. Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш бўйича илгари сурган 55 ташаббуси соҳадаги саъй-ҳаракатларни янги bosқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин ҳозирлади.

Жумладан, давлат харидларида инсон омиллини қисқартириш, йирик лойиҳаларни юқори даражадаги коррупцияга қарши стандартлардан келиб чиқиб баҳолаш, ёшларнинг ушбу соҳада билимини ошириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, кибер коррупцияга қарши курашишда



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Сўнгги йилларда жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида изчил амалга ошириб келинаётган ислохотлар марказида коррупцияга қарши курашиш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу жараёнда ҳар икки йилга мўлжалланган давлат дастурлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиб, ижрога қаратилиши коррупциядан холи муҳитга эришиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ҳуқуқий базани шакллантириш, коррупцияга оид жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга доир қатор ташаббуслар билдирилди. Бунда давлат хизматчиларининг актив ва даромадларини декларация қилиш ҳамда ноқонуний бойлик орттирилганлиги учун жавобгарлик белгилаш

Президентимизнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди.

Ушбу ташаббус БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси 20-моддаси талабларига тўғрив мос келади. Давлат хизматчиларининг ноқонуний йўл билан бойлик

орттиргани учун жавобгарлик коррупцияга оид жиноятларга қарши курашда самарали механизмдир.

Ноқонуний бойлик орттириш деганда, шахснинг қонуний даромад манбаларига мутаносиб бўлмаган тарзда молиявий ёки моддий манфаатларни қўлга киритиши тушунилади. Бу эса давлат хизматчиларининг даромади ва харажатини декларация қилиш орқали ўз активлари, масалан, харид қилган кўчмас ёки кўчар мулкни қонуний йўл билан товланган даромади асосида орттирилганини исботлаш мажбуриятини назарда тутди.

Ушбу хатти-ҳаракат учун жавобгарлик масаласи давлат хизматчиларининг даромади ва харажатини декларация қилиш тартиби билан узвий боғлиқ. Мазкур тартиб халқаро стандарт ва қонунийлик принциплари мувофиқ декларация қилинадиган мол-мулк ва даромаднинг аниқ рўйхати, декларация қилишнинг аниқ муддати, давлат хизматчиси ва оила аъзолари мол-мулкни назорат қилиш тартиби, шунингдек, маълумотлар тақдим этмаслик ёхуд ёлгон маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик каби талабларни қамраб олиши керак.

Хорижий давлатлар тажрибасида ушбу тартиб дастлаб айрим мунозараларга ҳам сабаб бўлган. Бу турдаги жавобгарлик айбисизлик презумпциясига зид ҳисобланиши ва ноаниқ айбловларга олиб келиши мумкинлиги эҳтимол қилинган. Хусусан, 1994 йилда Италия Конституциявий суди томонидан ноқонуний бойлик орттириш учун жавобгарлик белгиланган қонун шахснинг айбисизлик презумпциясига зид бўлгани сабабли бекор қилинган. Шунга қарамай, хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу турдаги жавобгарликнинг учта фарқли моделини кўриш мумкин.

Биринчиси, тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик шаклида, яъни Лотин Америкаси, Осиё ва Африканинг баъзи мамлакатлари қонунчилигида ноқонуний бойлик

орттириш алоҳида таркибли жиноят сифатида белгиланиб, активларнинг қонунийлигини исботлаш айбланувчи зиммасига юкланган. Мисол учун, Аргентина Жиноят кодексининг 268(2)-моддасида давлат мансабдор шахси орттирган мол-мулк қонуний даромадидан асоссиз равишда олиб кетгани учун икки йилдан олти йилгача озодликдан, шунингдек, давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланиши ҳамда мол-мулкни мусодара этилиши белгиланган.

Иккинчиси, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли, яъни АҚШ, Буюк Британия, Россия ва бошқа айрим давлатларда агар активлар ноқонуний орттирилган бўлса, айбилик масаласи ҳал этилмай туриб мол-мулк мусодара қилинади. Масалан, Россияда давлат хизматчиси мол-мулкни қонуний даромади ҳисобига орттирилганини исботлай олмаса, прокуратура органлари томонидан ушбу мол-мулкни давлат ҳисобига мусодара қилиш бўйича фуқаролик процессуал тартибда судга даъво аризаси киритилади.

Учинчиси, Франция ва Германия каби Европа мамлакатларида кузатиладиган коррупциявий жиноятлар доирасида кўриб чиқиш шаклидир. Бунда ноқонуний бойлик орттириш алоҳида жиноят эмас, балки коррупцияга оид жиноятларнинг бир қисми сифатида квалификация қилинади. Хусусан, Германияда давлат хизматчисининг ноқонуний мол-мулк орттиргани у томонидан тўлдирилган декларацияда аниқланса, ушбу мол-мулкнинг коррупцияга оид қайси жиноятлар натижасида қўлга киритилганлиги ҳолати текширилади. Бу ҳолда шахснинг айбисизлик презумпциясига амал қилган ҳолда тергов ишлари бошланиб, жиноят қонунчилигида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланади.

Мазкур масала юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Истанбул

ҳаракатлар режаси доирасида давлатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти мониторинги натижалари бўйича ушбу турдаги қилмиш учун қонунийликда жавобгарлик белгилаш бўйича қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Унда миллий қонунчиликда “ноқонуний бойлик орттириш” тушунчасига аниқ, турлича талқин қилинишига йўл қўйилмайдиган таъриф бериш, декларация қилиниши талаб этиладиган активларнинг қўйи чегарасини белгилаш, жиноятнинг объектив томони жиноят қонунчилигининг асосий принципларида мувофиқ равишда аниқлаштирилиши зарурлиги назарда тутилган.

Шунингдек, Жаҳон банкнинг ҳам ноқонуний бойлик орттириш учун жавобгарлик белгилашга оид шу мазмундаги тавсиялари мавжуд. Бошқа халқаро институтлардан фарқли равишда ушбу ташкилот давлат хизматчиларининг мазкур қилмишнинг содир этишига сабаб бўлувчи омилларни баргараф қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан билим ва малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб билади. Ушбу институтнинг миллий қонунчилигимизга таътиб этиш масаласи соҳа олимлари томонидан илмий-амалий ёндашувлар асосида пухта таҳлил қилиниши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланишининг янги bosқичида кутилаётган ўзгаришлар коррупциядан холи муҳит шаклланиши, мамлакатнинг халқаро даражада ижобий эътироф этилиши, инвестициявий муҳит яхшиланишига хизмат қилади.

Евгений КОЛЕНКО, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошқаруви биринчи ўринбосари

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТОМОНЛАРГА КАТТА МАНФААТ КЕЛТИРАДИ

Президентимизнинг 11-13 март кунлари Францияга давлат ташрифи стратегик кўлами ва шуқуҳига кўра умуман бошқача бўлди. Бундай дейишимиз учун етарли ва асосли сабаблар бор, албатта.

Биринчидан, Ўзбекистон етакчиси 30 йилдан зиёд давр мобайнида Францияга илг мартта давлат ташрифини амалга оширди.

Иккинчидан, ташрифта Президентлар томонидан имзоланган Стратегик ҳамкорлик декларациясига мувофиқ, Франция Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланди.

Учинчидан, давлат ташрифи доирасида 6,5 миллиард евролик келишувга эришилди. Эътиборлиси, қўшма лойиҳалар портфели 12 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Биз французлар билан узоқ тарихий алоқаларга эга халқмиз. Бу Буюк ипак йўли даврига бориб тақалади. Уша даврларданок икки халқ ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий алоқалар йўлга қўйилган. Бу, айниқса, Соҳибқирон Амир Темури даврида энг юқори чўққига чиққан. Ушанда Амир Темури ва Шарль VI ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришни орзу қилган. Ушбу орзунинг бугун Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон реал воқеликка айланганди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Франция алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бу ташриф доирасида эришилган келишувлар ана шу муносабатларни янги тарихий bosқичга кўтарди.

Президентимизнинг Европада илк ташрифи 2018 йилда Францияга бўлган эди. У ривожланган индустриал-аграр мамлакат, саноат ишлаб чиқариши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Иқтисодий салоҳияти бўйича Франция энг ривожланган етти давлат қаторига кирди.

Президентимизнинг 2018 йил октябрь ва 2022 йил ноябрда Францияга расмий ташрифлари, шунингдек, Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 2023 йил ноябрда мамлакатимизга ташрифи барча соҳалардаги сиёсий мулоқот ва ҳамкорликни изчил ривожлантиришга янги суръат бағишлади.

Шу ўринда икки давлат ўртасидаги маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш доирасида Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Рузй-Мальмезон шаҳарлари, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ва Флёр шаҳри ўртасида бирдорлик алоқалари ўрнатилганини алоҳида қайд этиш керак.

Франция Тиббиёт академиясида Абу Али ибн Сино бости ўрнатилган. Шунингдек, Рузй-Мальмезон, Тулуза, Гретц-Арменвиль шаҳарларида икки давлат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар тимсолига айланган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек ва Абу Райҳон Беруний ҳайкаллари ўрнатилди



ҳамда “Ўзбек боғлари” барпо этилди. Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз борганда, теуририйлар дари санъати ва тарихини ўрганиш ассоциацияси ҳамда “Авиценна Франция” уюмасининг Франциядаги фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу уюмалар Ўзбекистон маданий ва илмий меросини ўрганиш ҳамда уни Франция жамоатчилиги орасида кенг тарғиб қилишга катта ҳисса қўшаётди.

Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифида ҳамкорликнинг кўплаб йўналишлари, жумладан, иқтисодий, маданият, фан ва таълим соҳаларига эътибор қаратилгани икки давлат ўртасида ўзаро манфаатдорлик ва ишонч кучайиб бораётганидан далolat.

Бу давлатимиз раҳбарининг Францияга учинчи ташрифи. Мазкур ташрифларни ўзаро тақдосласак, Франция халқи ва Президентининг Ўзбекистонга муносабати ўзгараётганини кўриш мумкин. Ушбу ташриф ўтган саккиз йилдаги янги Ўзбекистон ислохотларининг меваси, десак муболага бўлмайди. Чунки хорижий экспертлар, инвесторлар сармоя киритмоқчи бўлган давлатдаги ислохотларни кўрса, ишонса, шундан кейингига муносабати ўзгаради. Зеро, икки давлат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистонда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий имкониятлар француз бизнеси вакиллари тобора кўп жалб қилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Франция технологияларини жалб этиш, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида илгор тажрибалардан фойдаланиш, ўзаро сайёҳлик алмашинувини кенгайтиришдан манфаатдор. Энг муҳими, дунё янги Ўзбекистонни тан олиш билан бирга ундаги ислохотларга ишоняпти.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида Ўзбекистон Президенти Франция Республикасининг олий муқофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланди. Юксак муқофотни Франция Президенти Эммануэль Макрон тантанали равишда топширди. Ўзбекистон Президентини икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ушбу орденга сазовор бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги хизматлари эътироф этилгани мамлакатимизнинг халқорак оғру-эътибори, жаҳон миқёсидаги маъқени мустаҳкамлашда катта ютуқ.

Давлат ташрифи давомида икки мамлакат етакчилари имзолаган муҳим ҳужжатлар орасида Маданият ва санъатни ривожлантириш жағмармаси билан Франция Маданият вазири, Маданий мерос миллий институти ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорлик битимлари бор. Бу барча йўналишлар қатори халқларимиз ўртасида маданият, санъат, илмий тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлик янада ривожланади деганидир.

Қисқаси, ушбу ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш ва маданий алмашинув учун янги имкониятлар эшигини очди.

Мансур МУСАЕВ, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори

Бугуннинг гапи

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ йирик маҳаллий тармоқлардан бири

Электротехника саноати сўнгги етти йилда юртимизнинг йирик маҳаллий тармоғига айланди. Шу вақт ичида тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар, экспорт ҳажми 7 баробар ўсиб, географияси 63 та давлатга етгани бунинг тасдиғи. Ўтган йили 31 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани, жорий йилда бу кўрсаткични 43 триллион сўмга етказиш мақсад қилингани, шунингдек, экспорт ҳажмининг 1,2 миллиарддан 1,7 миллиард долларга ошириш режалаштирилгани янада диққатга сазовор.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 январдаги “Электротехника саноатини ривожлантиришни янги bosқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди соҳада малакали мутахассислар қамровини ошириш, ёшларни талаб юқори касбларга ўқитиш борасида қатор вазифар белгиланганини инобатга олсак, мазкур йўналишдаги ишлар янада жадаллашади. Чунки қарорга кўра, электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини соҳага кенг жорий этиш мақсадида электротехника саноатини 2025-2027 йилларда мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари ҳам белгилаб олинди. Электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. “Ўзэлтехсаноат” уюмасида малакали мутахассислар таъирловчи марказ ташкил этилди. Ўқув мақсадида ўрта, олий таълим ва соҳада фаолият юритаётган ёки шу соҳага қизиқиши борлар юқори малакали кадрлар этиб тайёрланади.

— Ўқув муассасамизда ташкил этилган марказда ўқувчилар биринчи курсга қабул қилинган кундан бошлаб амалиёт ишлари шугулланиши имконияти яратилган, — дейди Чилонзор туманидаги 1-политехникум директори ўринбосари Сардор Акрамов. —

Талабалар назарий билимларини бевосита амалиёт билан уйғунлаштирилади. Бу ердаги барча қурилма ва асбоб-ускуналар маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилиши. Улар орқали ускуналарни қандай таъмирлаш, хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

“Яшил” энергетика соҳасида минтақада ҳаёга айланиб бораётган Ўзбекистон бугун мутахассис тайёрлашда ҳам катта мақсадларни кўзлаган. Айнан ушбу марказда юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан келган ёшлар билан бирга қўшни давлатлардан ҳам тинловчилар келиб, билим ва тажрибаларини ошириб кетмоқда.

— Бу ерда ўқиш ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай, қўшни мамлакатлардан ўқувчилар келиб, малака ошириб кетмоқда, — дейди “Ўзэлтехсаноат” уюмаси маъсул ходими Низом Толипов. — Хусусан, Қозғоистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган тинловчилар иш фаолиятини ҳам йўлга қўйишга улгурди. Албатта, бу биз учун қувонарли ҳол. Чунки бу Ўзбекистонда “яшил” энергетика соҳасини Марказий Осиёда ягона бўлган ҳаёга айлантириш бўйича қўйилаётган қадимнинг амалий ифодасидир.

Марказда электротехника саноатида янги билим ва тажрибаларни ўрганиш учун барча имкониятлар яратилган. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, Тошкент давлат техника университети кафедраси филиали очилди. Унда мазкур олий таълим муассасаси талабалари амалий машғулотлар ўтказилади.

Талабалар амалий машғулотлар давомида нафақат назарий билимларини мустаҳкамлайди, балки ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам бевосита кузатиб, ҳатто унда иштирок этмоқда. “Яшил” энергетика соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилган. Унда таҳсил олган ёшларга махсус сертификат берилди. Электротехника, муқобил энергетика соҳасида хизмат кўрсатиш йўналишида курсларни муваффақиятли таоммоланган шундай ўқувчилар кейинги фаолиятини корхона ва ташкилотларда давом эттиради. Марказ ёшлар учун бугунги кунда талаб юқори бўлган касбларни ўргатиш, қолаверса, “яшил” энергетика соҳасини янада ривожлантириш учун катта аҳамият касб этади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ОНГ, ДУНЁҚАРАШ, ФИКР ЎЗГАРМАСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ



Мансур БЕКМУРОДОВ, социология фанлари доктори, профессор

Бошланиш 1-бетда

Янги Ўзбекистонда инсонни рози қилиш, қадрини оширишни ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари яратилди. Энг аввало, Бош қонунида “инсон — жамият — давлат” училигида инсоннинг энг олий қадрият экани белгиланди. Сўнгги тўққиз йилда қабул қилинган қонулар, Президентимиз фармон ва қарорлари, Ўзбекистонни жадал ривожлантиришга қаратилган стратегиялар одамлар бахти ва фаровон яшашининг ҳуқуқий асосларидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги 100 мақсаддан 44 таси инсоннинг қадрини юксалтириш, салоҳиятини рўёбга чиқаришга бағишланган. Бошқача айтганда, янги Ўзбекистонда бир-бирини меҳр билан яхши кўрадиган, ўзаро қўллаб-қувватлайдиган консенсус давлат ва жамият барпо этилди. Инсонларни рози қилиш негизда барқарор, шукроналикка эришишни ҳам дастаҳкам асоси яратилди.

Хўш, одамлар қачон чин юракдан рози бўлади? Қачонки, уларнинг орзу-умидлари ушласа, ўз олдига қўйган мақсадлари рўёбга чиқса ва ўзлари яхши кўрган касбда, қизиққан соҳасида муваффақият қозонади. Демак, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳамда қонуноларимизда инсон қизиқиши, интилиши, орзуларига мос сазай-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши фўқароларнинг барқарор шукроналиги таъминланиши кафолати дейиш мумкин.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда одамларни камбағалликдан чиқариш, ишсизликка баҳрам бериш негизда барча бирламчи эҳтиёжларнинг қондирилиш жараёни фаол кечмоқда. Бу жараён одамларда қаноатни, қониқиш кўлимини кенгайтирмоқда. Қачонки қониқиш ҳолатлари барқарорлашса, одамларда иккиламчи эҳтиёжлар, яъни ўз имкониятлари, истезоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш негиздаги фаолият янада кенроқ йўл очилади.

Қаноат ва шукр

Қаноат инсоннинг бирламчи эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолат ёки туйғу, унинг негизда қимдандир ёки нимадандир қониқиш талаби ётади. Одамлар давлат, жамият ёки оила томонидан яратилган имкониятлар, тансиқ ноз-неъматлардан фойдаланаётган пайтда юз берган жанжал, иштибоқлар бирор муддат тўхтаганида, шунингдек, инсонлараро мо-жаролар, ўзаро тушунмовчилик, келишмовчилик барҳам топганида қаноат туйғусини туйди.

Қаноат кўпроқ кутилган, аммо аввал йўқ нарсаларга эга бўлганда, улардан фойдаланиш имконияти кенгайганда кўринади. Масалан, инсон чанқан пайтда



сув ичиши, оч қолганда овқатланиб, атрофдагиларга миннатдорлик изҳор қилиши қаноатдир. Шунингдек, қаноат туйғуси одамнинг оила, ташкилот, жамият ва давлатда муайян ўрни борлигини ҳис этганида ҳам ҳосил бўлади.

Шукроналик эса моҳиятан қаноат туйғусининг юқори босқичидир. Шукроналикда фақатгина яратилган имкониятлардан фойдаланиш, ноз-неъматларни қабул қилишигина эмас, балки ана шу неъматлар, имкониятларни бошқалар билан бирга яратиши ва баҳам кўришида намоён бўлади. Демак, инсоннинг

ҳаётда ўзининг оз бўлса-да, ўрни борлигидан розилик туйғуси қаноат бўлса, шукроналик жамиятда нафақат ўрни, балки шу ўрни доирасида масъулиятни ҳис этиши, ҳаётни яхшилаш учун керакли бўлишини англашида ўз ифодасини топади.

Шу боис, қаноатда моддийлик, бирламчи эҳтиёжлар қондирилишидан маънавийлик тушунчадир. Шукроналикда инсоннинг қониғина эмас, балки шахси, руҳияти, маънавияти ва “мени” қадри топади. Бу туйғу инсон қадрининг бошқалар — давлат ва жамият томонидан эъзозланиши ва эътибор этилишида янада ёрқинроқ акс этади.

Инсон ўзидаги шукроналикни теран англаши ва унинг кўлими доирасини доимо кенгайтириб бориши керак. Агар одамлар хотиржамлик, саломатлик ва тинчликка бир амаллаб эришган бўлса, шу осудликка қаноат қилинади ва “Ичкилиб бало-қазо бўлмасин”, деб дуо ўқилади ҳамда хотиржамлик, тинчлик сақлаб турилиши қаноат уйғотади. Агар тинчлик, хотиржамлик ва ҳаёт ривож осудликда барқарор давом этса, бу жамиятда консенсус муҳити ўрнади, дегани. Тинчликнинг ҳамма томондан фаол қўллаб-қувватланиши ва жамиятда ўзаро тотувлик, аҳилликнинг қадрият сифатида англаниши шукроналикнинг юқори даражасидир.

Оила, инсон қадри ва менталитет

Инсон қадри одамнинг ментал хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Менталитет атамаси янгиликча сўз бўлиб, “уйлаш”, “тафаккур қилиш”, “фикрлаш”, “мулоҳаза юритиш” деган маъноларини беради.

Ўзбекларда эса бу сўз характер, феъл-атвор мазмунига эга. Моҳиятан улар бир-бирини инкор этмайди. Чунки характер одатланиш, одатланиш эса бирор нарсанинг ҳаётда фойдали эканини англаш орқали шаклланиши инсоний хусусиятидир. Демак, ўйлашга ўргатиш ва фарзандларимизни қандай муаммолар доирасида ўйлатиш, тафаккур қилиш малакасини шакллантириш даставвал оилага, ота-онага боғлиқ.

Президентимиз бугунги фаол шахнинг тафаккур тарзи нечоғлиқ муҳимлиги хусусида алоҳида тўхталиб бундай деганди: “Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқарashi, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги гоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги тафаккур қилувчи авлод кадрлари керак”.

Ўсиб келаётган бола унга ота-онанинг муносабати ва кўрсатаётган шахсий ибратидан куч олади. Бошқача айтганда, инсоний қадрлаш жараёнининг индаллосини бола ўз уйи муҳитида ўрганади.

Ота-она фарзандлари тарбиясига қанчаларик тўғри ёндашса, бола шахсини қадрласа ҳамда унга қанча кўп вақт ажратса, унинг кейинги ҳаёти учун керакли бўладиган, унга асқатадиган билим, ҳунар, сабоқ бўладиган мисолларни ўргатса, сабоқ келтирувчи хулқ-атвор билан қуроллантирса, билингики, ориқиби кутилган нуфузли марра келажақда, албатта, эгалланади.

Эъзозга муносиблик даражаси

Инсон қадри одамнинг муайян иш ва фаолиятга нечоғлиқ мослиги, давлат ҳамда жамият томонидан унга кўрсатилувчи ҳурмат,

эгалланган касбий кўникма, етарли даражадаги билим, касб-ҳунар эгаси бўлиши, учинчи омил, дунё ахборот маконига киришга имкон берувчи хорижий тилларни пухта ўзлаштирилганлик. Ана шу уч омил уйғунлиги инсоннинг бугунги ривожланиш даражаси ва эртанги истиқболи, жадал тараққиётга эришиш йўлини белгилайди.

Аҳолининг турли табақалари вакиллари, айниқса, ёшларни ҳаётнинг жадал суруятига мослаштириш, ислохотларнинг қузатувчиси эмас, балки бевосита иштирокчисига айлантириш, яратилаётган имкониятларга муносиб қилиш юртимизда кечаётган ислохотларнинг бош мақсадидир.

Ёшларнинг ибратта мойиллик хусусиятлари туфайли мамлакатимизда ўнлаб йирик IT парклар, ёшлар ижод, ҳунар ва санъат зоналари барпо этилди. Энг қувонарлиси, бугунги йигит-қизлар спорт, ижод ва илм соҳасида нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам муносиб ўрнига эга бўлган етакчи ижтимоий қатламга айланмоқда. Биргина хорижий тилларни ўзлаштириш масаласини олсак, ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишига интилиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Масалан, мамлакатимиз ёшлари орасида 2024 йилда халқаро IELTS сертификатига эга бўлганлар сони 54 минг нафардан ошди. Агар шу рақам 2016 йилги кўрсаткичлар билан таққосланса, ўртадаги фарқ 50 баробардан кўп. Илгари, яъни 9 йил аввал республикамиз бўйича атиги миндан сал кўпроқ одам халқаро сертификатлар соҳиби бўлган. Худди шундай кескин юксалиш намуналарини ёшларимиз спорт, санъат, халқаро фан танловларида ҳам намойиш этмоқда.

Гарчи янги Ўзбекистондаги бугунги сай-ҳаракатлар самарадорлиги, бир қарашда, ҳайратланарли бўлса-да, иккинчи томондан, одамларнинг ҳаракатлари ислохотлар билан ҳамоҳанг мақсадларимизга эришиш суруятларида орта қолмоқда. Масалан, магистратура ва докторантура хотин-қизларини имтиёзли қабул қилиш, уларни давлат ҳисобидан ўқитиш борасида режа бажарилмай келяпти. Яъни магистратурага аёлларнинг давлат ҳисобидан имтиёзли қабули 70 фоизга ҳақ етмади. Аёллар таълимнинг элита даражаларига мос равишда интилиши ҳали умуммиллий ҳаракат даражасига чиқмади.



Худди шундай ҳолат докторантурага қабулда ҳам яққол кўринди. Хорижий тилларни пухта билиш орқали докторантурага қабул режаси 2023 йилда ҳам, 2024 йилда ҳам 60 фоиздан ошмади. Бу борада, афсуски, яратилаётган имкониятларга муносиб бўлиш даражасига эришиш суст кетмоқда. Ҳолбуки, бугун биз турли фаолият ва ривожланиш соҳаларига муносибликда намуна кўрсатиш, рақобатта дадил киришиш, ҳар бир ўрин учун танлаш ва танланиш босқичида бўлишимиз керак эди. Эндиги вазифа муносиблик ҳолати учун интилишни умумжамият даражасига чиқаришдир.

Янги Ўзбекистонда тез ўзгараётган замон руҳига мослашиш ҳар бир ватандошимиз учун бош вазифага айланиши шарт. Ҳолбуки, ўзгаришга мослашиш талабининг ўзи ҳам фақат бошқаларга этиб юришини англайди. Президентимиз томонидан бугун кўйилаётган марра фақат бошқаларга этиб юришигина эмас, балки ўзиб кетиш, ўзгаришлар ташаббускори бўлиш, эргашувчилик макомидан эргаштирувчилик макомига ўтишидир.

Зеро, давлатимиз раҳбари алоҳида меҳр ва ишонч билан айтганидек, ўзибек халқи вақтини имкониятга, имкониятини ютуққа, ютуқни эса тараққиётга хизмат қилдиришга қодир.

Умуминсоний қадриятлар билан сўғорилган бирлашув гояси

Президентимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун барчамиз бирлашиб, бир ёқдан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим, дея таъкидлаган эди. Яқдил ҳаракат қилиш, бирдамлик билан бир мақсадга эришишга интилиш инсон



қадрини ошириш йўлидаги барча режаларимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканини тасдиқлайди.

Америкалик машҳур иқтисодчи ва социолог А.Смит одамларнинг қадрини ошириш учун уларни ўзаро бирлаштириш ҳамда кенг тафаккур юритиш салоҳиятини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Жамият тараққиётда бирлашишга интилиш мазмунан бир хил бўлмаган. Яқин ва узок тарих гувоҳлик берадики, жамоавий фикрни чалғитиш ва сохта ваъдалар бериш ҳисобига одамларни бирлаштиришга эришган жоҳил “даҳо”лар халқлар ва инсоният бошига қанчадан қанча қулфат ёғдирган. Шу боис, бирлашиш гоясининг эгуви ва умуминсоний қадриятлар билан сўғорилгани жуда муҳимдир.

Жамиятда моддий фаровонликнинг барқарорлашуви ва маънавий-ахлоқий тамойиллар устуворлиги таъминланишининг янада ахшилланиши негизда одамларнинг ўзаро тотувлиги, аҳиллиги ҳамда меҳр-оқибат муҳитини

бошланди. Инсон манфаатларини кўлаб ишлаш ва яшаш, давлат идораларининг халққа хизмат қилиши, жамиятнинг барча табақалари вакиллари ҳаёти ва турмуш тарзини тубдан фаровонлаштиришни ифода қилган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг мутлақо янги амалий тараққиётга кенг йўл очиб берди. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва 2025 йил учун қабул қилинган давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси миллий тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси, жадал ривожнинг ўзига хос драйвери бўлди, десак янглишмаймиз.

“Халқ давлатга эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” широрларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, Халқ қабулхоналари, Президент виртуал қабулхонаси ҳамда ҳар бир вазир, ҳоким ва раҳбарнинг фўқаролар мурожаати учун очиклиги амалийи барқарор йўлга қўйилди. Демократик ислохотлар амалга оширилиб, сўз, матбуот эркинлиги, ижтимоий тармоқлар орқали шаффоф ва очик маълумотлар тарқатиш амалиётига кенг йўл очилди.

Шунингдек, ҳозирги кунда юртимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича “Ижтимоий фикр” маркази, Ўзбекистон социологлари ассоциацияси, турли ижтимоий тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган ўндан зиёд нодавлат уюшма ва ташкилот фаолият юритмоқда.

Одамларни рози қилишга қаратилган ислохотлар ўз моҳиятига кўра ҳамма ва ҳар бир одамни фаровон қилиш, интеллектуал касбий ва маърифий юксалтиришни мақсад этган. Хусусан, аҳолининг турли табақаси турмуш тарзи, мақсад ва қизиқишларини хо-надон-хонадон юриб ўрганиш, хатловлар ўтказиш, эҳтиёжман оилалар ва фўқароларни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” рўйхатларига киритиш ҳамда рўйхатдан чиқариш механизми, иқтидорли ёшлар учун қулай ривожланиш имкониятини яратиш, ноғиронлиги бўлган фўқароларни доимий иш, таълим ва касб ўрганиш билан банд этиш, “1+1” (“Бир тадбиркорга бир ишсиз ёш”, “1+10” (“Бир нуруний — ўн ёшга мурабий”) тартиби асосида одамларни бир-бирига боғлаб, уларни фаоллаштириш, вазиятни тубдан ахшиллаш сиёсати шулар жумласидан.

Бирлашиш — боғланиш — юксалиш формуласи

Ислохотлар негизда нафақат иқтисодий натижаларни кўлга киритиш, балки одамларни бирлаштириб, уларни ўзаро тотув қилиш орқали фаровон турмуш даражасига эришиш мақсади ҳам устувор. Тан олиш керак, аввалги даврларда одамларнинг ўзаро бирлашишига интилиши давлатга қарши яширин хавф ҳисобланган.

Шунинг учун ҳам инсонларнинг ўзаро уюшиб кетишига йўл берилмаган. Натижада давлат идоралари инсонларнинг табиий яқинлашув эҳтиёжи асосидаги бирлашувдан фазилат эмас, иллат, камчилик излаш билан машғул бўлган. Энди эса иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳолат тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган “бирлашиш — боғланиш — юксалиш” формуласи мамлакатимизни жадал тараққиёт этириш стратегиясининг асосий тамойили сифатида ҳаётга жорий этилмоқда.

Юртимизда 2016 йил қуздан бошлаб мисли кўрилмаган жадал ривожланиш даври

бошланди. Инсон манфаатларини кўлаб ишлаш ва яшаш, давлат идораларининг халққа хизмат қилиши, жамиятнинг барча табақалари вакиллари ҳаёти ва турмуш тарзини тубдан фаровонлаштиришни ифода қилган Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг мутлақо янги амалий тараққиётга кенг йўл очиб берди. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва 2025 йил учун қабул қилинган давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси миллий тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси, жадал ривожнинг ўзига хос драйвери бўлди, десак янглишмаймиз.

“Халқ давлатга эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” широрларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, Халқ қабулхоналари, Президент виртуал қабулхонаси ҳамда ҳар бир вазир, ҳоким ва раҳбарнинг фўқаролар мурожаати учун очиклиги амалийи барқарор йўлга қўйилди. Демократик ислохотлар амалга оширилиб, сўз, матбуот эркинлиги, ижтимоий тармоқлар орқали шаффоф ва очик маълумотлар тарқатиш амалиётига кенг йўл очилди.

Шунингдек, ҳозирги кунда юртимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича “Ижтимоий фикр” маркази, Ўзбекистон социологлари ассоциацияси, турли ижтимоий тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган ўндан зиёд нодавлат уюшма ва ташкилот фаолият юритмоқда.

Одамларни рози қилишга қаратилган ислохотлар ўз моҳиятига кўра ҳамма ва ҳар бир одамни фаровон қилиш, интеллектуал касбий ва маърифий юксалтиришни мақсад этган. Хусусан, аҳолининг турли табақаси турмуш тарзи, мақсад ва қизиқишларини хо-надон-хонадон юриб ўрганиш, хатловлар ўтказиш, эҳтиёжман оилалар ва фўқароларни “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” рўйхатларига киритиш ҳамда рўйхатдан чиқариш механизми, иқтидорли ёшлар учун қулай ривожланиш имкониятини яратиш, ноғиронлиги бўлган фўқароларни доимий иш, таълим ва касб ўрганиш билан банд этиш, “1+1” (“Бир тадбиркорга бир ишсиз ёш”, “1+10” (“Бир нуруний — ўн ёшга мурабий”) тартиби асосида одамларни бир-бирига боғлаб, уларни фаоллаштириш, вазиятни тубдан ахшиллаш сиёсати шулар жумласидан.

Айниқса, ижтимоий ривожланишга кучли туртки берган катта ислохот давлат хизмати вертикал тизимни аҳолининг энг кўйи бўғинига ҳам етказиш амалийи бўлди. Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди халқчил тамойилларнинг ҳаётга жорий этилиши жоиларда одамларни рози қилиш ва айни вақтда қадрини юксалтириш ишларини ҳар куни, ҳар соатда амалга ошириб борилишини ифода этади.

Миллий яхлитлигимизнинг тўққиз устуни

Миллий яхлитлигимизнинг тўққиз устуни

Янги Ўзбекистонда нафақат давлат тузилмаларида чуқур таркибий ислохотлар амалга оширилди, балки жамиятнинг ижтимоий қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. Собик иттифоқ даврида жамиятда уқат катта ижтимоий синф — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ҳамда коммунистик партия раҳбарлари ва фаолларидан иборат элита қатлам мавжуд эди. Бугунга келиб, жамиятимизда тадбиркорлар, хизмат соҳаси вакиллари, фермерлар, ҳарбийлар, банкирлар, олимлар, педагоглар, ёланма деҳқонлар ва ишчилар, ишонсизлар, ноғиронлиги бўлган фўқаролар, уюшган ва уюшмаган ёшлар ҳамда бошқа ижтимоий табақалар таркиб топди.

Айниқса, сўнгги беш-олти йилда ижтимоий табақалар трансформацияси ўта жаддалашди. Қисқа вақт, яъни 2-3 йилда кечаги ишсиз фўқаро тадбиркорлик, фермерлик ёки

хизмат соҳасига кириб, муваффақиятларга эришиб, ўз қишлоғи, маҳалласида иш берувчи шахсга айланаётгани бугун ҳеч қимни ҳайрон қолдирмаётти.

Собик шўролар даврида аҳолининг умумий иқтисодий ва ижтимоий ҳолати бир-бирига бирмунча яқин эди. Янги Ўзбекистонда фўқаролар ҳам молиявий, ҳам маданий, ҳам интеллектуал жиҳатдан анчагина фарқланган жамиятга айланди. Шу асосда аҳолининг ҳаёти, фаровонлик даражаси, фикрлаш тарзи, мақсадлари, дид ва савиялари ҳам ўзгариб бормоқда. Илгари одамларни тўй, маърака, урф-одат, чой-хона, улфатчилик бирлаштириб келган бўлса, энди улар сиёсат, тадбиркорлик, спорт, маданият йўналишидаги нуқтани назар, дид, мақсад, қизиқиш, умумий дунёқараш, санъат ва бошқа омилар негизда бирлашишга мойил бўлмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган миллатларни, асосан, ўз миллий тилига ҳурмат, ватани тарихига эҳтиром, миллий адабиётга меҳр, санъат ва маданиятга боғлиқлик, миллий менталитетга эғалик, миллий характерга содиқлик, ватанпарварлик, урф-одатларга риоя этиш, мустақиллик неъматини улуғлаш қадриятлари ажратиб туради. Шу боис, янги Ўзбекистонда миллий яхлитлигимизнинг ана шу муқаддас тўққиз устунининг бирортаси ҳам заифлашуви асло йўл қўймаслигимиз лозим.

“Ақли” мониторинг — ижтимоий зарурат

Инсон қадрини юксалтириш учун нафақат реал оламдаги ҳолатни яхшилаш, балки виртуал макондаги ахборотлар билан ҳам фаол ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, аввало, жамиятимизнинг маънавий интеллектуал юзи бўлган обрў-эътиборли шахслар, нурунийлар, эл-эрт олдида мартабаси улуг инсонларнинг шахсий веб-сайтларини яратиш ва уларни фаоллаштириш, зарур бўлса, бундай инсонларга кўмакчилар ва IT соҳа мутахассисларни бирикитириш керак.

Бундай обрўли ва харизматик шахслар бугунги ҳаётимиз ва дунёда ўз бераётган воқеа, жараёнлар ҳақида радио, телевидение ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фактларга ўзларини малакали хулосаларини бериб бориши, жамиятда ижтимоий ва маънавий-сиёсий муҳит барқарорлигини асрашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Айнан шундай ёндашув, яъни жамиятимизда юз бераётган воқеа ва жараёнларга омвий ахборот воситалари, радио, телевидение, интернет орқали изҳор этилаётган ахборотлар, кўрсатув ва эшиттирилган мазмун, ижтимоий қиммат, аҳоли онги ва қалбига етказиши мумкин бўлган зарарларни таҳлил этиш, бошқача айтганда, “ақли” мониторингинг йўлга қўйиш бугунги кунда ижтимоий заруратга айланди.

Мақур жараёнлар мазмунини давлат идоралари раҳбар ва ходимлари эмас, биринчи галда, жамиятимизда катта обрў-эътиборга сазовор харизматик шахслар баҳолаб бориши, бир томондан, катта ижтимоий резонанс ҳамда босиқлик муҳитини яратса, иккинчи томондан, социология фанини ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва айниқса, сиёсий соҳаларда юз бераётган жараёнларнинг барометрига айлантиради.

Шунингдек, инсон капиталини ривожлантиришнинг беш муҳим ташаббусини жорий этиш жараёнини узулқисз мониторинг қилиш, айниқса, аҳолининг барча табақалари вакиллари китоб ўқиши жараёнини жамоатчилик назоратига олиш ва одамларга етказиб бориш катта ижтимоий аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса ва ислохотларнинг ўз ҳолича ривожланишини жамоатчилик кўзи олдида мақсадли тараққиёт этириш ҳолатига ўтказиш ижобий ҳолдир.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

ҲАЁТ БОҒЛАРИНИНГ

БОҒБОНИГА АЙЛАНАЙЛИК!



Хонадон бекаси Дилором Турсунова уларни келини ва набиралари кўмағида парвариши қилади. Гуллар ёзда ҳовлига, ташқи айвонга чиқарилади, қишда эса уйга олиб кирилади. Муҳими, йилнинг тўрт фаслида ҳам бу хонадонда гуллар жамоли ва ифори кўнглингизни ёзди.

Ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзимиз тушяпти: ҳали у ҳудудда дарaxтлар кўчирилди, ҳали бу ҳудудда. Кўчирилганда ҳам уларнинг қанчаси яшаб қолиши номаълум. Яқинда бир савдо мажмуаси қуриладиган жойдаги дарaxтларнинг кўчирилиши ҳақида эшитиб қолдим. Бу ерда ўзи эскидан 5-10 туп дарaxт ўсиб турган бўлса-ю, улар сонини кўпайтириш ўрнига осонгина кўчириб ўтқазиб қўйиб қўйилди, қандай бўларкан?

Турар жой биноларини тезроқ қуриб, фойда олишни ўйлаётганлар улар атрофида гул ва дарaxтлар ўтқазиб, боғлар барпо этиши, ҳудудда мўътадил иқлим яратиш, аҳолини тоза ҳаво билан таъминлаш ҳақида ҳам жиддий бош қотирса, яхши бўларди. Бундай эзгу амаллари орқали катта савога қоларди. Жорий йилги Рамазон ойи баҳорнинг илк кунларига тўғри келганида ҳам катта маъно ва мазмун бор. Ушбу муқаддас ойда қилинадиган бир ҳайрли ишларимизнинг ажру мукофоти қўриқ.

Айрим ресторон ва ошхоналарда овқат тайёрлангандаги ўчоқлардан тўғридан тўғри сув бўйларига, дов-дарaxтларга яқин жойлашгани бос, йиллар давомида атрофимиздаги табиатга зарар етказиб келинмоқда. Тадбиркор фақат ўз фойдасини кўзлаб, табиатни асраши лозимлигини ҳам ўйлаб, унга зиён етказмаслик чораларини топиб иш тутса, айни муддао бўларди.



Кейинги вақтларда дарaxт, гул кўчатларини экиш ва парваришга илмий асосда ёндашиётгани эътиборли. Бироқ кўп қаватли уйда яшаб турган фуқаро атрофида экилган кўчатларнинг ҳолига қизиқмаса, тагини юмшатмаса, сув қўймаса, бунга нима дейсиз? Боқибегамлик ҳам эви билан-да. “Олма пиш, озғимга туш” деб қимдан нимани кутамиз ахир? Бугун атрофимизга берафқ бўлса, кимдир синдира ҳам эътибор бермасак, бизга тоза ҳаво етказиб бераётган дарaxтларнинг ҳоли нима кечади?

Сўнгги йилларда пойтахт ҳавоси ёмонлашиб бораётгани барчамизни ташвишга соляпти. Маълумотларга кўра, бутунги кунда санаят корхоналари ва автомобиллардан атмосферага йилга 2 миллион тоннадан зиёд ифлослантирувчи моддалар чиқаяпти. Албатта, бу борадаги вазиятни яхшилаш юзасидан давлат миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилоқда. Хусусан, кўпгина корхоналар томонидан 5 гектардан “яшил белбоғ” яратилиб, жами 10 миллион туп дарaxт экилади. Келгуси беш йилда Тошкент шаҳри ва унга туташ туманларда 3 минг гектар “яшил белбоғ” ва 200 гектар яшил боғлар ташкил қилинади.

Дарaxтларнинг ҳар бири ўзига хос экотизим бўлиб, улар бизга гамхўрлик қилганидек, биз ҳам улар ҳақида қайғуришимиз лозим. Тадбиркорларга кўра, бир кунда бир кишининг кислородга эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарaxт керак бўлади. Ҳар бир дарaxт умри давомида 1000 кило атрофида карбонат ангидрид газини ютади. Битта дарaxт бир йил давомида 120 кило кислород ажратади. Дарaxт илдизлари туфайли тупроқ намлигини сақлаб, эрозиянинг олдини олади. Шунингдек, улар атрофида ҳосил бўладиган шовқини қамайтиради, бизни қуёйдан ҳимоя қилади. Дарaxтлар кўплаб ҳайвонлар ва ҳашаротларга ин вазифасини ўтайди, дарaxтларсиз уларнинг яшashi жуда қийин.

Яккасарой туманидаги Дилбулоқ маҳалласи ҳудудидан ўтувчи каналнинг қўйи қисмида “Узавтосаноат” акциядорлик жамияти томонидан барпо этилган Салар боғи бор. Боғдаги ўйин майдончаси, аргимчоқлар, спорт инвентарлари ушбу ҳудудда яшайдиган болалар хизматида. Шу ўринда бир савол туғулади. Бу боғда яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз? Болаларнинг хизматида бўлаётган ушбу мулкни асраб-авайлашимиз? Афсуски, йўқ. Кимдир аргимчоқларни синдириб, кимдир ҳудудни pista пўчоғига тўлдирган. Хуллас, боғ ҳозир қаровсиз ҳолга келиб қолган. Уни ким назорат қилади? Албатта, шу ҳудудда истиқомат қилаётган ота-оналар, жамоатчилик. Экологик тарбиямиз, она табиатга онгли муносабатимиз, меҳримиз уйдан, оиладан, маҳалладан бошланади. Болаларни, ука-синглиларини етаклаб келаётган ёши катталар нега уларни назорат қилмайди? Синдирилган, атроф-муҳитни ифлос қилмай, тоза сақлашга ўргатишмайди? Аслида, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бу қадриятни, анъанани биз ҳам ёруғ юз билан фарзандларимизга, набираларимизга ўргатишимиз лозим эмасми? Табиатни асраб-авайлаш, унга зарар етказмаслик ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини асло унутмаслигимиз керак.

Биз билган, биз эккан дарaxтлар оддий дарaxт эмас, балки умр дарaxтлари, ҳаёт дарaxтларидир. Келинг, азизлар, бизга ҳаёт бағишлайётган, умримизни узайтиришга хизмат қилаётган дарaxтларнинг илдизига болта урмайлик. Унинг ҳам сўроғи, савол-жавоби бор, албатта. Ҳаёт боғларининг яратувчисига, боғбонига айланайлик! Шунда келажак авлод ҳам биздан рози бўлади.

Собир МАМАНОВ, журналист

Бошланиши 1-бегда

Сўнгги йилларда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келиняпти. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида юртимизда яшиллик даражасини 30 фозга етказиш, ҳар йили 200 миллион туп дарaxт экиш, шунингдек, 2030 йилгача 1984 та яшил боғ барпо этиши, барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасалари ҳудудларида шундай боғлар яратиш кўзда тутилган.

Жорий йил 27 январда Президентимиз иштирокида “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўтказилган йиғилишида ҳам асосий эътибор ана шу мақсадга қаратилди. Маълумотларга кўра, “Яшил макон” дастури доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарaxт экилмоқда. Утган уч йилда 698 та боғ ва 316 та жамоат парки, Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектарли бутазор барпо этилди.

Хўш, биз ўзимиз, ҳар бир фуқаро бу борада қандай фаолият кўрсатамиз? Маҳалламиз, қишлоғимиз, кўчамиз, ҳовлимиз ва ўйимиз ободлиги учун нима қиламиз? Ҳар йили ўзимиз, оила аъзоларимиз билан неча туп дарaxт ёки гул кўчати экиш? Уларнинг парваришига, унинг-ўсishiга эътибор қаратаймизми? Бу саволларга, афсуски, барчамиз ҳам бирданга “ҳа” дея жавоб бера олмаيم.

Юртимизда мазкур йўналишда барчага намуна бўла оладиган, яратиш заъки ва сурури билан яшаётган фидойи инсонлар кўп. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Диёр” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аввал ташландиқ бўлган жойда мўъжагина бир боғ яратилган. Ушбу гўзалликнинг яратувчиси маҳалланинг оддий фуқароси, меҳнат фахрийси Ҳакимжон Азизов. Қачон қараман, у боғ юмушлари билан банд. Ўз танишларини тез-тез ҳашарга чақириб туради. Утган ҳам, қайтган ҳам бу боғқа бир кириб, боғбон билан сўрашиб, салқинлаб кетади. Боғ, айниқса, шу ердаги мактаб ўқувчилари учун қадрдон масканга айланган. Мевалар пишганда-ку, келувчилар сони янада кўпаяди.

Бир неча йил аввал туман раҳбарларидан бири ушбу ҳудудни бузиш керак деб қолди. Аввал бу ерлар ташландиқ жой, чиқиндиҳона эди, бузилса, яна ўшандай ҳолга тушади-да деб розилик бермай, боғдорчиликни давом эттиравердим, — дейди Ҳакимжон ака. — Боғнинг тоза ҳавосидан қанчадан қанча аҳоли баҳраманд бўляпти, қолаверса, пишганда гилосми, ёнғоқми, беҳими, шафтолими — мевалар ҳосилидан кўни-қўшилларга ҳам улашамиз.

Ҳакимжон акадек боғбонлар кўпайсин, — дейди “Диёр” МФЙ раиси Сайёра Омонқулова. — У кишидан маҳалламиз аҳли жуда миннатдор. Янги қурилган маҳалла идораси атрофини гулзорга айлантиришда ҳам Ҳакимжон аканинг ҳиссаси катта.

Бир кунни Ҳакимжон ака: — Қишлоқдан ер олиб, кўчиб кетмоқчиман, — деб қолди тўсатдан. Бу гапни эшитиб, этим жимирлаб кетди.

— Боғ нима бўлади? Уни кимга топшириб кетасиз? — сўради ундан.

— Ёнимиздаги мактабга ёки боғчага топшириб кетаман, — деди Ҳакимжон ака.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Мен боғ тақдирини ўйлаб, ўзидан бошқа киши эплотмаслигини, қаролмаслигини айтиб, баъзан ўзи келиб, боғқа қараб туришини маслаҳат бергандай бўлдим. Кейинчалик эшитдимки, боғбоннинг кўчиси бир-икки йилга чўзилибди. Шу боғ, ҳозирча кўнглимиз хотиржам, чунки боғнинг ўз эгаси бор.

— Экаман, қарайман десанг, кўнглингизда яратувчанлик ишқи бўлса, ҳовлингизда ёки яшаб турган кўп қаватли уйнинг атрофида ҳам бўш майдон топилади. Гап иштиёқда, шижоатда, — дейди биз билан сўхбатда маҳалла нурунийлари. Албатта, қаерда изланиш ва ташаббускорлик бўлса, ўша жойда иш самарадорлиги ортиб бораверади. Бундай ташаббускорларни пойтахтнинг кўплаб ҳудудларида учратишимиз мумкин. Шайхонтоҳур туманидаги Катта Жарариқ маҳалласида тўққиз қаватли уй атрофида яратилган яшил боғ ён-атрофга гўзаллик ва салқинлик бағишлаб туради. Бундан 20 йиллар муқаддам тош ва гўшт синиқлари, темир-бетон парчаларига тўлиб-тошган ташландиқ 30 сотихдан зиёд жойни шу маҳалланинг фидойи фуқаролари Хайдарали Маматов ва Ҳасан Йўлдошев кўни-қўшиллар кўмағида обод қилиб, кўплаб мевали ва манзарали дарaxт кўчатлари ўтқазган эди. Мана неча йилдирки, аҳоли ушбу боғ дарaxтларининг меваси ва соясидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Муҳими, бу маскан шу даврда қанчадан қанча чанг ва губорини ютиб, атроф-муҳитга тоза ҳаво — кислород етказиб беради.

Боғнинг икки сотихли майдонини “маҳалла чойхонаси қураимиз” деган ваз жам фуқаролар йиғини олган эди. Кейин маълум бўлишича, маҳалла бу жойни “дом” қуриш учун тадбиркорга бериб юборибди. Буни билиб қолган фуқаролар туман ва шаҳар ҳокимликларига, шунингдек, бошқа мутасадди идораларга қайта-қайта мурожаат қилиб, ерни бир амаллаб қайтариб олди. Айни кунларда эоқофоллар бу жойда аҳоли учун узумзор боғ яратиш ҳаракатини қилмоқда. Қассобнинг қайғуси гўшт деганларидек, ким нима мақсадда юрибди, ким қандай ҳаракатда, англаб олаверинг.

Сўнгги йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, пойтахтимиз туманларидаги маҳаллаларда йўл четларида ўзига хос кўриниш ва дизайнга эга, атрофга кўр бағишлаб турувчи узумзор ишқомларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Тошкент шаҳрида яшил майдонлар ҳудудини 5 баробар кўпайтириб, 5 минг гектарга етказиш кўзда тутилган. Бу вазифалар ижроси, албатта, эоқофоллар ташаббуси ва ҳаракатлари билан амалга ошади.

Табиат жонкуярлари ташаббуслари ҳам-ма жойда ҳам бирдек қадрли. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Чармағ маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийлари Самад Раҳмонов ва унинг турмуш ўртоғи Мисқолой онани доимо кичик боғда кўрасиз. Бир қарасангиз — қўлида кетмон, бир қарасангиз — тулқайчи, дарaxтлар ва гуллар

парвариши билан банд бўлади. Кўчасидаги мўъжагина ҳовлисида ҳам, кўча томондаги майдончада ҳам ҳали у нарса етиштирилди, ҳали бу. Ўзидаги ниҳоллардан маҳалладошларига улашади, ҳолис хизмат сифатида эринмасдан бориб, экиб ҳам беради.

Туманинг Халқлар дўстлиги маҳалласида яшовчи Абдураҳмон Курбонов хонадонига борсангиз, қишин-ёзн гулдондаги турли гулларни кўриб завқланасиз, ўзингизни худди гулзорда юргандек ҳис этасиз.

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

ЕРИ БОР ОДАМ КАМБАҒАЛ БЎЛМАС

Бошланиши 1-бегда

Жиззахдаги янги қурилишлар туфайли бугун шаҳар марказидаги қадимий маҳаллалардан бири — Зарғарликда тарихий кўринишни акс эттирувчи иншоотлар қарийб қолмаган. Маҳалла кўп қаватли уйлардан иборат. Хусусан, 7 та 9 қаватли, 5 та 5 қаватли, 42 та 4 қаватли уйдаги 2300 дан зиёд хонадонда 12 мингдан кўпроқ одам яшайди.

Маҳаллада турар жой бинолари ва уларга туташ ҳудудларда ободонлаштириш бўйича

йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни пайтда маҳалла ҳудудидида жами 223 хонадондан иборат 4 та тўрт қаватли уйни мукамал таъмирлаш ишлари якунланди. Лойиҳани амалга ошириш давомида уйларнинг роми, ирригация тармоқлари, йўлак тўсинлари янгиланиб, том қисми, ҳудудга ёндош йўлақлар, инфратузилма иншоотлари, болалар ва спорт майдончаларида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Тадбир иштирокчилари маҳалладаги ободонлаштириш, қурилиш ишлари, янги ташкил этилаётган гастрономик кўча билан

танишди. Шу ерда шаҳарнинг бошқа маҳаллаларида бажарилаётган қурилишлар, аҳолига яратилаётган қўлайлик, тажрибалар ҳақида маълумот берилиб, янги лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Шундан сўнг иштирокчилар семинар кун тартибидида асосий масала — томорқадан фойдаланишдаги ишлар билан танишиш учун Зафаробод туманига борди.

Томорқадан самарали фойдаланишда хонадон эгасига боғлиқ бўлган ва бўлмаган муаммолар бор, албатта. Шундай муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, сув таъминоти. Сув етарли таъминланган ҳудудларда ердан фойдаланмай қўйган одам кам учрайди.

Семинарни Зафаробод туманида давом эттирилган кўзланган асосий мақсад энг яхши маҳаллаларни намуна сифатида кўрсатиш эмас эди. Вилоятнинг чўл ҳудудидидаги туманлар орасида сугорниш тизими энг оғир бўлган Зафарободда кўп йиллар давомида аҳоли сув тақчиллигидан азият чекиб келаётганда. Кейинги йилларда ирригация тизимидаги тозалаш, таъмирлаш ишлари туфайли аҳоли бирмунча ўзгарган бўлса-да, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича ишлар бисёр.

Жумладан, семинар ўтказилган Бирлик маҳалласи ҳам тумандаги оғир маҳаллалар рўйхатида туради. Аҳоли томорқасига сув етишмайди. Ҳудудда ирригация тизимлари тиклангани маҳалла аҳлига сув билан бирга катта қувонч ҳам олиб келди. Кўргазмали семинар иштирокчилари ушбу лойиҳа ишга туширилиши — маҳалла ариғига сув очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.



— Еримиз унумдор, одамларимиз меҳнатқаш, — дейди меҳнат фахрийси Яхшибой Тўйчиев. — Бироқ кейинги йилларда сув тақчиллиги туфайли 800 дан зиёд хонадон томорқасидан фойдалана олмаётган эди. Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ушбу лойиҳа бекиёс иш бўлди. “Сув — ҳаёт манбан” деб бежиз айтилмаган. Бу аҳоли фаровонлиги демакдир. Энди маҳалламизда камбағалликни тугатиш учун мустаҳкам асос яратилди.

Маҳалла аҳли сув келишини катта умид билан кутганини деҳқончиликка барвақт

киришиб кетганида ҳам кўриш мумкин. Томорқачиликни кўплаб-қувватлашда маҳалла фуқаролар йиғини томонидан камбағал оилалар алоҳида эътибор олинмоқда. Ҳудудда 100 нафар ёшга 50 гектар ер томорқа учун ажратиб берилди.

Семинар қатнашчилари маҳалла аҳолисига ижарага берилган ерда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, камбағалликни қисқартиришдаги ишлар билан танишди. Мулоқотда ҳудуддаги “Зафаробод-Бирлик томорқа хизмати” масъулияти чекланган

Боғир Қўдратов олган суратлар.

жамиятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш режаси, туманининг бошқа маҳаллаларидаги ишлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир доирасида тумандаги Чўлгулистон маҳалласида “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича қилинган ишлар тақдироти ҳамда томорқага хизмат кўрсатиш, ресурслар таъминоти, мини техниклар ва агрегатлар кўргазмаси намойиш этилди. Шу ернинг ўзида вилоятдаги 24 та оғир маҳаллага лицензия асосида мини трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари тақдим этилди.

Семинар давомида Чўлгулистон маҳалласининг иختисослашуви, картошка, помидор, кўкат етиштириш ҳамда маҳсулотларини ички бозорга етказиб бериш тажрибаси ўрганилди. Маҳалладаги “Ешлар боғи”га “Яшил макон” лойиҳаси доирасида дарaxт кўчатлари экилди.

Айни кунларда томорқачилар қилаётган ишлар мўлжалдаги ҳосил етиштирилишидан дарак бериб турибди. Бунга қаролат — одамларнинг хатти-ҳаракати. Бу ҳаракатда уларнинг ерга, ҳаётга, жамиятга муносабати, қарашлари ўзгаргани кўриниб турибди.

Ери бор одам камбағал бўлмайди. Одамлар бу ҳақиқатни тобора теран англаб етмоқда. Шунинг учун вилоятнинг барча туманларида томорқада уч-тўрт марта ҳосил етиштираётган, замонавий иссиқхоналар қуриб, яқинида даромад олаётганлар кўпайиб бормоқда.

Соҳадаги яхши ишларни, илгор тажрибаларни тарғиб қилиш, оммалаштириш, шубҳасиз, томорқачиликни ривожлантиришга, бозорларимизнинг сероб, дастурхонларимизнинг тўкин бўлишига хизмат қилади. Шу нуқтан назардан, ушбу кўргазмали семинар ҳам амалий аҳамиятга эга тадбирлардан бири бўлди.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Сухбатдош

Бугун мактабларда дарс беришда замонавий педагогик технологиялар, мультимедиа воситалари кенг қўлланилаётгани, таълим-тарбия жараёни инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани таълим соҳасидаги истиқболли одимлардан дарак беради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили да амалга оширишга оид давлат дастурида умумий ўрта таълим муассасалари учун 65 номдаги янги дарсликлар, маъқ дафтарлари, ўқитувчи методика китобларини яратиш ва амалиётга жорий этиш кўзда тутилган.

— Давлат дастурида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантириш бўйича вазифалар белгиланган. Бу жараёнда дарсликларнинг таълим сифатини оширишдаги роли қандай?



— Мактаб тизимида дарслик таълимнинг асосий мазмун-моҳиятини еритиб берадиган ва таълим мақсадларига эришишдаги муҳим воситалардан биридир. У ўқув мазмунининг тузилишини белгилайди, билимларни тизимлаштиришга ёрдам беради, ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчиларга тегишли йўналишларни кўрсатади.

— Мактаб тизимида дарслик таълимнинг асосий мазмун-моҳиятини еритиб берадиган ва таълим мақсадларига эришишдаги муҳим воситалардан биридир. У ўқув мазмунининг тузилишини белгилайди, билимларни тизимлаштиришга ёрдам беради, ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчиларга тегишли йўналишларни кўрсатади.

— Сифатли яратилган дарслик мазмунини тўғридан тўғри ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таъсир қилади. Агар маълумотлар

тушунарли, мисоллар ва кўргазмалар иллюстрациялар билан баён қилинган бўлса, билимларни реал ҳаётда қўллашга ўргатувчи амалий топшириқларни ўз ичига олса, таълим самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва таълим мақсадларига эришишда муҳим восита бўлади.

— Сифатли таълим нафақат инсон капиталини шакллантиради, балки барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва технология таракқиёт учун замин яратяди. Шу боис, бугунги таълим шунчаки назарий билим бериш эмас, балки олинган билимларни реал ҳаётда самарали қўллаш ва замонавий фикрлашга ўргатиши зарур.

— Янги дарсликларда айнан шу жиҳатга ургу берилган: мисоллар, масалалар, кундалик ҳаётдан олинган кейслар болаларга ўрганилаётган маълумотларнинг амалий аҳамиятини кўришга ёрдам беради. Бу дарсликларнинг катта афзаллиги ҳалқаро стандартларга мувофиқлигидир.

— Уларнинг аксарият қисми маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган, шу билан бирга, илгор хорижий давлатлар таърибаси инноватга олинган. Уларнинг таълим тизими, айниқса, ҳалқаро олимпиадаларда ва ҳалқаро баҳолаш дастурлари, жумладан, PISA, PIRLS, TIMSS, TALIS тадқиқотларида юқори натижаларга эришганига эътибор қаратилган.



Ташаббус қанот ёзса... ЁШ АРХИТЕКТОР ЙИГИТ Мўйноқда гумбаз остида “АҚЛЛИ ШАҲАР” қуриш лойиҳасини тақлиф этди

Аслиддин билан инновацион гоёяси ҳақида гаплашаётиб кўпчиликка яхши таниш бўлган “Гумбаз остидигилар” деган фантастик фильм ҳаёлимга келди. Сўнг машхур рубойидagi “Феруза гумбазли осмон остида” деган сатрни хотирладим. Ёш меъморнинг ўзи эса яқин ўтмишда куз ва қишда қишлоқларимиздаги хонадонлар марказига узун ёғоч устун тиклаб, ҳашар йўли билан ўтов шаклида қуриладиган чодир-тўйхоналарни эслатди...

— Инсон доим катта оруз-мақсадлар билан яшаши керак, — дейди Аслиддин бамайлихотир. — Орузлар эса амалга ошириш хусусиятига эга. Навоий бобомиз достонларда робот, телевизор, интернет, эскалатор, ҳатто “пўлат куш” — самолёт ҳам тасвирланган экан. Осма боғлар бундан неча асрлар аввал қадимий Бобилда яратилган. Испан элчиси Клавихо Соҳибқирон бобомизнинг Кешдаги саройларини ҳайрат билан қандай тасвирлагани ҳақида ўқиганимизсиз? Бу қосоналар тарҳини Англия ё Франциядан келган меъморлар эмас, ўзимизнинг боболаримиз чизган.

— Озу-мунча маблаг кетадими?! — Саҳронинг ўртасида дунё сайёҳлари интиладиган Дубай сингари ажойиб шаҳар қурилган-ку, — дейди суҳбатдошим. — Айтайлик, келажакда Мўйноқда шундай экошаҳар қурилса, Оролбўйига ҳам сайёҳлар оқиб келади. Биргина туризмни ривожлантириш эвазига сарфланган харажатни бир неча йилда қоплаш мумкин. Ҳаёлот оламига эрк берганча ажабтовур фикрларини дадил ҳимоя қилаётган ёш меъмор Аслиддин Норқоболов Қашқадарёнинг Қарши туманидан. Оқлий қишлоқ йигити. Бу йил 24 баҳорини қаршилайпти. Университетни татомолаб, яқинда Қарши шаҳридаги қурилиш фирмаларидан бирида архитектор сифатида иш бошлади. Хотирлашча, болалигимда тасвирини ва амалий санъатга меҳр қўйган. Отаси — журналист, онаси — ўқитувчи эмасми, ундаги иқтидорни вақтида пайқаб, қўллаб-қувватлади. Эринмасдан уни тасвирий санъат кўргазмаларига, музей ва театрга, тарихий бинолар саёхатига, турли танловларга етаклаб борди.



— Мактабни битириб, чизмачилик курсларига қатнадим, — дейди Аслиддин. — Устозим ҳар бир шогирди билан индивидуал ишларди. Сўнг Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти (ҳозир университет) нинг архитектура йўналишига тахсил олдим. Кўшимча “AutoCad”, “Revit”, “3D Max” сингари замонавий архитектура дастурлари курсларида ўқидим. Самарқанд вилояти ҳокимлиги масъуллари тез-тез олийгоҳимизга келиб, талабалар лойиҳалари тақдироти билан танишарди. Эсимда, бир гал юқори

Ҳаммаси иссиқхона ва сардобадан бошланган

Аслиддин 2023 йили икки курсдоши билан бирга ОТМ талабалари учун эълон қилган “Ректор танлови”да иштирок этди. Ушанда уларга омад кулиб боқди. Танловнинг “Ақли шаҳар” ва инновацион гоёялар концепцияси” йўналишида голиб бўлиб,

Туркия олий таълим муассасаларида бир ой таъриба алмашиш учун йўланмани қўлга киритишди.

— Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани учун гумбаз остида экологик тоза, мусоффо иқлимни “ақли шаҳар” лойиҳасини танловга тақдим қилганлик, — дейди суҳбатдошим бу ҳусусда эсларкан. — Бу гоёя ҳаёлингизга қаердан келиб қолди ўзи? — деб сўрайман ундан. — Болалигимда томорқамизда қурилган иссиқхонанинг шаффоф гумбазли остида помидор, бодрич ейтиштирганимиз. Қолаверса, Қаршидаги Одина масжиди ёнида кўрганам — сардоба иншооти ҳам мени мана шу гоёяга илҳомлантирди. Шу боис, чўл ҳудудда қурилиши тавсия этилаётган

қолган. Уларнинг бу қизиқишларини таълим мақсадларига эришишда инноватга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Шу боис, дарсликларда инновацион технологиялар ва воситалар ҳам қўлланилган кўришимиз мумкин. Масалан, дарсликлардаги мавзуларнинг мураккаблигига қараб QR-кодлар жойлаштирилган. Улар ёрдамида ўқувчилар мавзуга доир видео ва аудиоматериалларни кўриши, эшитиши мумкин. Ушбу технологиялар ўқитиш жараёнини янада динамик ва интерфаол қилиш мақсадида қўлланилган.

— Янги дарсликлардан ўрин олган янги билим ва кўникмаларни ўқув жараёнига таъбиқ этиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади. Педагогларнинг билим ва малакасини ошириш борасидаги ишлар ҳусусида тўхталсангиз.

— Таълимдаги ҳар қандай янгилик алоҳида тушунириш ишларини олиб боришни талаб қилади. Шу сабабли биз ўқитувчиларни методик қўллаб-қувватлаш ва ўзгаришларга мослаштиришга ёрдам бериш масаласига катта эътибор қаратамиз. Бу борада Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказиб, янги дарсликлар, дастурлар, методикалар бўйича янгиликлар ва самарали ёндашувлар ҳақида батафсил маълумот бериб бормоқда.

— Масалан, педагог кадрлар касбий маҳоратини узлуksиз ривожлантириш мақсадида ўтган йилдан марказ ташаббуси билан “методик марафонлар” ташкил этила бошланди. Бугунги кунга қадар ушбу тадбирлар доирасида 200 мутахассисдан иборат менторлар гуруҳи шакллантирилди ва 300 дан ортиқ маҳорат дarsi ўтказилди. Унда 60 миңдан зиёд педагог иштирок этди. Шунингдек, ўтган йили технология, тарбия, тарих, табиий фанлар, тасвирий санъат, мусика маданияти фанлари бўйича ўқитувчилар учун малака ошириш курслари ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

— Бундан ташқари, ўтган йилдан илк бор 1-синфдан бошлаб “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Жорий йилда ушбу фан 2-синфда ҳам ўқитилмоқда. Мазкур фан ўқитувчилари малакасини ошириш мақсадида Абдулла Авлоний номидаги Миллий педагогика маҳорат институти билан ҳамкорликда 18 соатлик ўқув курси ташкил этилиб, информатика

фани бўйича 45 мингга яқин бошланғич таълим ўқитувчисининг малакасини оширилди. Табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Ўқитувчиларда экологик саводхонликни ривожлантириш мақсадида малака ошириш курси учун ўқув режа ва дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, зарур методик материаллар билан таъминлаш мақсадида 7-11-синф ўқувчилари учун кимё фанидан лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича ўзбек ва рус тилларида методик қўллама ҳамда бошқа фанлар бўйича ҳам методик ресурслар тайёрланмоқда.

— Ўқитувчиларни методик қўллаб-қувватлаш мақсадида биз замонавий технологиялардан фoл фойдаланиб, маълумотларни осонроқ етказиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Марказнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали фойдали материаллар, методик тавсиялар ва энг кўп бериладиган саволларга жавоблар жойлаштириб келинмоқда.

— Муҳим янгиликлардан бири сифатида марказ томонидан ишлаб чиқилиб, тест режимида ишга туширилган “Гона таълим ресурслари ва хизматлари” порталини айтишим мумкин. Мазкур порталда муҳим методик ресурслар, замонавий педагогик дастурий воситалар ва платформалардан фойдаланиш бўйича видеоқўлламалар, мактаб дарсликлари ва лаборатория машғулотлари бўйича мультимедиа ва электрон ресурслар берилган. Шунингдек, таълимда баҳолаш назарияси ва амалиёти бўйича видеоресурслар жойлаштирилган. Ҳозир портал имкониятларини кенгайтириш, интерфаол таълим ресурслари билан тўлдириш ишлари амалга оширилмоқда. Порталга исталган вақтда исталган жойдан ва қурилмадан кириб, фойдаланиш имконияти яратилган.

— Ҳалқаро миқёсда ҳам таълим ва тарбия алмашув жараёни илчил ривожланиб бораётган даврда янги дарсликлар ва маъқ дафтарлари асосида қандай истиқболли қадамларни кўришимиз мумкин?

— Таълим жараёнига янги дарсликлар ва маъқ дафтарларини жорий этиш дунёнинг энг яхши таърибаларини ўрганиш ва маҳаллийлаштириш имконини кенгайтиради. Улар нафақат таълим сифати ва ўқитиш даражасини оширишга, балки миллий таълим тизимининг ҳалқаро майдонга интеграциясини кучайтириш ва ҳалқаро баҳолаш тадқиқотларидаги натижаларни ахшлалашга ҳам ёрдам беради. Бунинг оддий мисоли сифатида мактаб битирувчиларининг хорижий университетларга ўқишга кириш имкониятлари ошиши, фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳалқаро миқёсда тан олиншини келтиришимиз мумкин.

— Шу билан бирга, истиқболли қадамлардан бири мактаблар учун ҳалқаро таълим ташаббусларида, хорижий муассасалар билан ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, янгиланган ўқув материаллари рақамли технологияларнинг интеграция қилиш ва амалиётга йўналтирилган ёндашувини жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Янги дарсликлар таълимни янги босқичга олиб чиқишга кўмаклашади. Улар ҳалқаро стандартларга мос келадиган рақобатбардош, билимли ва XXI аср кўникмаларига эга ёшларни шакллантиришга замин яратяди. Бу ёшларимиз нафақат миллий таълим макониди, балки ҳалқаро майдонда ҳам муваффақият қозониши учун муҳим қадамдир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

ёмғир сувини қувурлар орқали махсус ҳавзаларда йиғиб, тозалаш иншоотларидан ўтказиб, истеъмолга етказиб бериш кўзда тутилган. Гумбаз асалари уяси шаклидаги опти бурчакли, махсус конструкцияли ишлаш мембрана катаклар тўпламидан иборат бўлади. Ҳар бир оптибурчак катак махсус технология орқали очилиб ётилади. Иссиқ-совуққа чидамли ишлаш мембрана қобқ ултрабинафша нуруни ўтказмайди, сунъий озон қатламни ҳосил қилади. Гумбаз орқали ҳаво ҳам филтрлаб ўтказилади. Қолаверса, гумбазда махсус сейсмик ва об-ҳавони кузатиш ҳамда мудоффа мақсадларидидаги қўшимча ускуналар ҳам ўрнатил мумкин.

— Юқорида томорқамиздаги иссиқхонани бежиз эсламадим. Шаҳар ичидаги об-ҳаво, босим, намлик, ҳарорат ҳам худди “парник” дағидай бошқарилади. Бошқача айтганда, гумбаз остида йилнинг исталган фасли иқлимни ҳосил қилиш мумкин. Лойиҳа орқали чанг-тўзонли чўл ҳудудидида ўртача 20 мингтача одам учун қўлай, тоза ҳаво, тоза сувга эга смарт шаҳар қуриш имкони бор.

— Энди сал илмий тилда тушунтирсам. Бир қатор хусусиятлари шаҳарнинг “ақли” лигини таъминлайди. Технологияга асосланган инфратузилма, экологик ечимлар, самарали ва юқори функционал жамоат транспорти, хавфсиз ва илгор шаҳар режалари ва ҳоказолар шулар жумласидан. Ҳомхаёл деб ўйлангангиз ҳам айтаман: бу лойиҳани келгусида ҳатто Марсда ҳам амалга ошириш мумкин...

— Аслиддин айнан шу лойиҳаси сабаб ўтган йил Истанбулдаги Йилдиз техника университетида ҳамкор дўстлари билан бир ой маҳоратини ошириб, махсус сертификат билан қайтди. Таъқидлашча, бу шаҳарда дунёга машхур бир қанча тарихий бинони томоға қилиб, қурилиш майдонларида амалиётда бўлган. Оснв ё Европа, Парқ ва Ҳарб меъморчилиги уйғунлаштириш йўналишига қараб қилган.

— Ёш меъмор келгусида мана шу йўналиш ва замонавий ечимлар асосида “Sardoba city” лойиҳасини янада такомиллаштириш, бу йўналишда илмий фаолият билан шуғулланиш ниятида. Бунинг учун, аввал, хорижий тилни ўрганимиз. Магистратура тахсилини Туркияда давом эттириш ҳаракатида. Катта мақсадлар сари интилаётган Аслиддиннинг мана шу орузларга эришишига тилақдошимиз.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“АДАБИЁТ ТИРИКЧИЛИК ЭМАС, ТИРИКЛИК МАНБАИ”

“Ўтирик”



Газетамизнинг ўтган йил январь ойидаги дастлабки сонларидан берида сўнгги саҳифанинг учдан бир қисмига жо бўлган мўъжазгина “Ўтирик” ҳикояси чоп этилди. Синчков муштарийларимиз яхши билади, 5 йиллик фаолияти давомида “Янги Ўзбекистон” нашри саҳифаларида санокли, нари борса 3 ёки 4 та ҳикоя эълон қилинган. Бироқ “Ўтирик” мавзуси, сюжет, қаҳрамонлари, тили, ифода услуби билан тахририят ходимларининг ҳам, газетхонларнинг ҳам хотирасидан мустаҳкам ўрин олди. Сабаби...

Журналистларга, айниқса, газетачилик вакилларига кўп нарса керак эмас, озгина эътибор ва эътироф kifoya. Ортинини кутмайдилар ҳам. Ҳикоя берилганидан кейин ҳаммаслар, ташқи муаллифлар, соҳамизнинг танқидчи намоёндалари, устозлардан кўлаб самимий гаплар эшитдик. “Яқин орада бундай яхши ҳикоя ўқимаган эдик”, “Барака топинглар, яхши ҳикоя берибсизлар”, “Шу асарни чоп этиб яхши иш қилибсизлар”, “Жуда халқчил ҳикоя экан, муаллифга ҳам, сизларга ҳам раҳмат”. Бу каби гаплар журналистларга қанот беради, албатта.

Мана, орадан бир йилдан зиёд вақт ўтди, лекин тахририятнинг кундалик ижодий йўналишларида, турли давраларда ҳам ўша “Ўтирик” ҳикояси, унинг газетда берилгани хайрли бўлгани каби фикрлар ҳамон тилга олинади. Дарвоқе, бу асар ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Луқмон Бўрихон қаламига мансуб.

Адибни яқиндан билганлар унинг ўз асарлари қаҳрамонлари каби самимий, сода, одамларга яхшилик улашувчи инсон бўлганини эътироф этади. Луқмон Бўрихон билан олис 1991 йил ёшлар газетасида шиллаётган кезларини танишган эдик. Биз тенгилар унга ҳавас қилардик. Ахир биздан атиги 5-6 ёш катта, лекин ижодий доирада анча танилган ва ҳурмат қозонган эди. Луқмон ака аввалига ҳам журналистика, ҳам бадий ижоднинг бошини бирдек тутганди. Кейин адабий муҳитнинг қўли банд келди. У фаолияти давомида турли тахририятларда адабий ходим, бўли мудири, “Ёшлар” журналида муҳаррир ўринбосари, Гафур Гулом номидаги нашриётда етакчи муҳаррир вазифаларида хизмат қилди. Сўнг Ёзувчилар уюшмаси Ижодий кенгашлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси бўлиб ишлади.

— Сизда бадий ижодга ҳам яхшигина мойиллик бор-ку. Ҳикоя ва ҳаживалар ёзишни давом эттириш, кейинчалик жиддий ва катта асарлар ёзишга ҳаракат қилиб кўрасиз, яхши нарсалар яратсангиз бўлади, — дедди раҳматли.

Лекин мен маълум ва номаълум сабаблар билан журналистика доирасидан чиқа олмадим.

“Бегоналар юрмас бу ерда”

Ўзбек адабиётида наср, хусусан, ҳикоя-навислик жанрини юқори чўққиларга олиб чиққан адиблар жуда кўп. Абдулла Қодирийдан то Абдулла Қаҳҳоргача, Саид Аҳмаддан Ўткир Хошимовгача, Пиримқул Қодировдан Шукр Холмиразевга Эркин Аъзамгача бўлган ёзувчилар яратган мактаб бу. Ёзувчи Луқмон Бўрихон ҳам нисбатан қисқа умр кўрса-да, ушбу мактабнинг муносиб давомчиси мартабасини сиқидилардан оқлаган адиб эди.

Адиб 1987 йили ёзилган “Бегимқул катта” ҳикояси билан адабиёт эшигидан дадил кириб келди. Ҳикоя “Ёшлар” журналида эълон қилинган, устоз ёзувчилар бадий бўстонда яна бир қалам соҳиб бўлагача нигоҳ, ўзгача нафас билан пайдо бўлганини эътироф этди. Шундан сўнг ёзувчининг “Ялангоёк”, “Сирли муаллим” сингари ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилди. “Жазирадаги одамлар” романи эса унга янада катта шухрат олиб келди. 2006 йили адиб “Сирли муаллим” қиссасини ёзди. 2007 йили Луқмон Бўрихоннинг “Хизр кўрган йил” қиссалар ва ҳикоялар тўплами чоп этилди.

“Темир йўл” романи 2009 йили ўқувчилар қўлига бориб етди. Романда Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўлини барпо этган фидокор темирйўлчилар ҳаётидан ҳикоя қилинган бўлиб, замонадоғларимиз қиёфаси ёритилган энг яхши асарлардан бири сифатида баҳоланди. Шу йили муаллиф

матбуотда эълон қилинган бадий-публицистик мақолалари учун “Олтин қалам” халқро танловни совриндори бўлди.

2012 йилда Луқмон Бўрихон “Тун қаъридаги шуъла” қисса ва ҳикоялар тўпламини, “Буюк ўзбек йўли” бадий публицистик мақолалар жамланмасини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Кейинчалик “Олов тутган одам”, “Бегоналар юрмас бу ерда” каби романлари билан адабий жамоатчилик эътиборини қозонди.

Адибнинг 2022 йилда чоп этилган “Сокин даре” романи ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмади. Муаллиф ушбу асарда давримиз атоқли олимларидан бирининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бугунги ёшларимизга ибрат бўладиган қаҳрамон сиймосини бадий бўёқларда ёрқин тасвирлаб берди.

Ёзувчининг, айниқса, буюк аллома Имом Мотуридий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Имом Мотуридий” романи адабиёт килосмандлари, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Қатор танқидчи ижодкорлар, мутахассислар, диний соҳа олимлари томонидан юксак эътироф этилди. Драматик воқеаларга, қизиқарли, сермазмун баҳс-мунозараларга бой ушбу асарда ёзувчи олис Х аср

асарни ўқиб, узок ўтмишимиз, буюк аждодларимиз ва уларнинг курашлари ҳақида қимматли маълумотга, жонли тасаввурга эга бўлади.

— “Имом Мотуридий” тили Луқмоннинг кўпчилик асарлариники сингари халқона, мусиқий, жозибали ҳамда энг мураккаб фикру туйғулар ҳам кўпчиликка осон етиб борадиган йўсинда ифодаланган жуда таъсирли ва гўзал ўзбек тили экани билан одамни ўзига жалб қилади, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош. — У тарихий романи тарихда ўтиб кетган одамлар учун эмас, балки бугунги чодшо ўқирманлар учун ёзаётгани бир зум бўлган унутмаган. Шунинг учун унинг битганлари қизиқиб билан енгил ўқилади, осон тушуналади. Чунки ёзувчининг фикрлаш йўсини аниқ, сўз қўллаш истеъдоди юксак.

— Яна бир гап. Давлатимиз раҳбарини 14 март кунини “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унда буюк ватандошимиз, исломий имллар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир аллома, калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридийнинг

— “Имом Мотуридий” тили Луқмоннинг кўпчилик асарлариники сингари халқона, мусиқий, жозибали ҳамда энг мураккаб фикру туйғулар ҳам кўпчиликка осон етиб борадиган йўсинда ифодаланган жуда таъсирли ва гўзал ўзбек тили экани билан одамни ўзига жалб қилади, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош.



Луқмон Бўрихон мавзу танлашда жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги, инсонлар орасидаги энг долзарб муаммоларни қаламга олди. Ёзувчининг қатор ҳикояларида жамиятни орқага тортадиган энг ёмон иллатлардан бири — лоқайдлик, бепарволик қораланади. Луқмон Бўрихон услубидаги поэтик занжир — бадий-мантқий изчиллик омили унинг ҳикояларини бир-бирига боғлашга хизмат қилади. Адибнинг “Ўтил”, “Синов муддати” ҳикояларида бир-бирига жуда яқин ҳолат тасвир этилса-да, инсон лоқайдлиги, бепарволиги қандай оқибатларга олиб келиши алоҳида образлар, характерлар орқали чуқур очиб берилди.

2020 йилдаги суҳбатларининг бирида Луқмон ака адабиётнинг жамиятда тутган ўрни қандай тасаввур этиши ҳақида бундай деган экан: “Савнинг, ҳавонинг инсон тирикчилигида нечоғлик зарурати бўлса, адабиётнинг ҳам жамият ҳаётида шунчалик аҳамияти бор. Шу кеча-кундуз қай бир давлатда қандайдир вирус пайдо бўлибди. Эшитганлар, ваҳимага тушганлар оғиз-бурнига бир парча ниқоб тақиб олди. Бадағига қандайдир эм, дори-дармон юборётганларнинг ҳам сони минг. Гўёки шу йўллар билан ўзларини ўша бало-дан ҳимоя қилмоқчи. Жон ширин-да: ҳамма билганича, ақли етганича қаттол касаллик олдини олиш илминда чопади. Хўш, одам-однинг маънавиятига, қалбига ўшандай офатлар хуруж қилса-чи?! Уни қандай ниқоб билан кўриқлай оламиз? Одамнинг онг-шуурига, тафаккурига доринг ўлатнинг бирор эми, муолажа усули борми?”

Ҳа, бор. Буни оқилу доноларимиз минг йиллардан бери такроллаб келди. Илм, назм, фасоҳат, лафозат дунёни, одамни қутқаради, дейишди. Бу халоскор омилининг барчаси бадий адабиётда муккасман! Ҳа, адабиёт шундай буюк нажот, аммо кўп ҳолларда унинг ўзи ёрдамга, мададга, эъзоз-эҳтиромга мутож. Аввало, адабиётнинг ўзини қўқаришимиз зарур! Шовқин-сурондан, жоҳилликдан, ёлғондан, таъмадан, яланғочликдан асрашимиз лозим. Уни бозорга солмаслигини керак! Савдо-сотқиннинг дағал ва совуқ муомала-муносабатлари унга тўғри келмайди. Ахир адабиёт тирикчилик эмас, тириклик манбаи! У ҳаётнинг ҳам, жамиятнинг ҳам мавжудлигини таъминлайди. Шунинг учун бозор ҳам, гулзор ҳам адабиёт хизматида бўлиши мақсадга мувофиқдир”.

Сўз ва амал бирлиги

Бугун адабиётта ҳар қачонгидан ҳам эҳтиёк келади. Бадий сўзга — халоскор сўзга, юпатувчи, руҳлантирувчи сўзга ташналик, илҳақлик ҳар лаҳзада, ҳар қадамда сезилиб турибди. Худди шу чанқоқликни қондира оладиган, фикрга чорлаб, сурур бахш этадиган асарлар керак. Бу ўта долзарб, ўта маъсулиятли зарурат. Зарурати, унинг залвори, энг аввало, наср жанрининг елкасига тушади. Чунки ҳар қандай миллат, ҳар қандай эл-элат адабиётининг қўламини, қиёфасини кўпинча насрий асарлар белгилайди.

“Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан ижодкорлар олдиға замона қаҳрамонлари образини яратиш вазифаси қўйилган. Ўта долзарб, ўта ҳаққоний талаб! Чунки давр, ҳаёт ўзгармоқда. Сўнгги йиллар миллат турмуш тарзида, онгида ва қалбида зеришларидан берибди. Худди шу зеришлар марказиздаги бугунги ўзбекнинг қувончу ташвишларини, ички оламни, руҳий тўғлоқларини бадий асарларда ақс эттириш зарурати пишиб етилди. Қолаверса, бугун дунё бўйлаб мафкуравий, говий кураш қизгин паллага кирди. Шарқу Фарб маданияти, ахлоқи, тафаккури барашарти онгини, қалбини эгаллаш учун ўзаро таллашиб-тортишмоқда. Унинг шарпалари юртимиз узра ҳам кезиб юрибди. Бу талатўл-лур силсиласида миллат тақдир қандай бўлади? Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, юртбошимиз бошлаган шарафли йўлдан давом этадими? Миллий қадрият, миллий маданият омон сақлаб қолинадими? Келажак авлодлар олдиға қозимиз ёруғ бўладими? Бу хил оғриқли саволларга ёзувчиларимиз замона қаҳрамонлари образини яратиш жавоб бериши мумкин. Бунинг учун бадий баркамол, самимий ва холисликка йўғрилган асарлар ёзиш керак бўлади”.

Ёзувчи ўзининг фуқаролик позицияси акс этган юқоридаги фикрларини вафотидан 2-3 йил олдин ёзган мақолаларининг бирида ифода этган эди. Бу битиклар куруқ гап эмаслигини у ўз ижоди мисолида аниқ-тиник кўрсатиб бера олди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИЛДИЗИ ЎЗЛИККА ТУТАШГАН КҮН

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Уйимиздан унча олис бўлмаган жойда қабиристон жойлашган. Байрам арафасида қишлоқ одамлари йиғилиб, уни тозалар, ўтганларни хотирларди. Бу ҳам халқимизнинг ўзига хос қадрияти.

Ҳаёлимда баҳор ер юзидиға ҳамма тириклар учундек туюларди. Байрам қабиристондан бир оз юриб, сал кичик дўнқал бор. Бу — бутун қишлоқ ақли ҳар йили байрам сайли ўтказадиган майдон. Ўша томондан қўшиғу ларлар эшитилганидан қандайдир байрам бошланётганини билардим. Ҳовлида ҳали у-ҳали бу ишни қилиб тайиматган аямга бориб ялинардим: “Ая, сайилга бора-й!” Бошиға оқ рўмон ёпиб олган аям қизариб кетган кўзлари билан оғриниб қарайди: “Уят бўлади!” “Нега, нимамга уят бўлади? Ҳамма байрам қилипти-ку?” “Катта бўлсанг, тушунасан”, “Йўқ, ҳозир ҳам тушунаман. Борай, аяжон!” “Йўқ, дедим-ку!” Шу чоғ ногаҳон келиб қолган момон “Бўлди, чиройли кийимларингни кий! Сени ўзим обораман”, деб байрамга олиб кетади.

Байрам. Худди кечаси осмондан фаршталар тушиб, туни билан дов-даракларга қизил, пушти, оқ гуллар қадаб чиққанга, уларнинг қадами теккан жойдан ям-яшил майсалар унганга ўшарди. Борганимизда куй-қўшиқ аллақачон бошланиб кетган бўлади. Момон ўзи тенги кампирлар билан аста-секин юриб, қир устидаги гиламлардан бирига бориб ўтиради. Мен сайилга келган болаларга қўшилиб кетаман. Бир маҳал даврабоши “Эндиги навбат “Баҳор валси”-га”, деб эълон қилади. Рўпарада битирувчи синф қизлари кўринади. Сарқомақ, сочи майда ўрилган, бир-биридан гўзал қизлар рақсга тушмоқда. Қўлида бодом гули, бошида яшил чамбарак! Бир-бириндан нафис ҳаракатлар... Ҳаммасига бир хил пушти қўйлақ жуда ярашган. Бола кўнглим билан уларга маҳлиё бўламан. Кейин бир оға сўзга чиқади, мақом айтади, ҳамма оғир бўлиб қолади. Уйинга қалғиб кетибман, шекилли, эшитмабман, қўшимизни қизи ёнимга келди. “Момонг қақиряпти”, дейди. Борсам, момон “Ҳозир Наврўзой келди. Шу ерда қимирламай ўтир”, деб тайинлайди. Озроқ ўтар-ўтмас, чаккасига ўрик гули қистирган Малика олам даврага чиқади: “Эҳе-ҳеей! Одамлар одамлар! Богда битган бодомлар! Эшитмадим деманлар! Юртингизга Наврўзой келди!”

Ушанда Малика опа маҳалладаги фаол хотин-қизлардан бири эди. Негадир у Нурулло аканинг аёли эканини, уйда иккита боласи борлигини яхши билса ҳам ҳамма уни Наврўзой деб тасаввур қилар, ҳар бир гапига жон-дили билан қўлоқ соларди. Малика опа ширали овозда қўшқ қўйлайди. Унинг тўшига маҳлиё бўлиб қоламан. Тасаввуримдаги Наврўзой ҳам айнан шундай овозли бўлиши керак эди...

Бир ёнда болалар чувилашиб хўроз уриштиряпти. Бир ёнда ўспирин қизлар маҳоратини кўз-кўз қилиш учун чўчвара тутмоқда. Айниқса, “Балли, қизлар!” беллашуви қизгин тус олади. Энг нақдон, энг доно, энг саришта кўз кейинги сайилгача қишлоғимизнинг фаҳрига айланади. Майдонни ўраб олган ёш-яланг орасида кўзда



тўйи бўлган келинчақлар ҳам кўришиб қолади.

Бир пайт Очилди муаллим эълон қилади: “Энди навбат миллий ўйинларимиздан бири — курашга!” Биз тарафларда курашни “олиш” дейишди. Очилди муаллим бошқа пайт “олиш” деса ҳам ҳозир саҳнадан туриб мурожаат қиларкан, адабий тилда гапиришга, зиёли кўришига уринади. Ҳар гапнинг бирида “Болалар биздан ўрганади-да!” дейиши шундан. Курашни биринчи бўлиб Эсон раис билан Турди чол бошлаб беради. Уларнинг курашини томоша қилиш бир томондан заъв бериша, бошқа томондан қандай курашишга ўргатади. Майдоннинг кунчиқар тарафида ёймақ савдогарлар олмақанд, хўрозқанд, pista ҳовла, сақичга ўхшаган майда-чуйдалар сотиб ўтиради. Улар томон аҳён-аҳён қараб қўяётганими кўрган момон дўпписини қўлига олиб, астарига қистириб бўй-бош майда пулни қўлимга тутқазди: “Кўй, хоҳлаганингни олиб е!” Бошим осмонга етгудек югуриб кетаман.

Бундан ташқари, биз тарафларда чиллак, эшак минди, бештош, арқон тортиш каби ўйинлар ҳам бор. Масалан, бештошни, асосан, қизлар ўйнаса, арқон тортиш, эшак минди, чиллак — ўғил болалар ўйини. Одатда бир қўшанинг болалари жамоа-жамоа бўлиб ўйнайди. Ғолиблар номига қўшанининг номи ёки шу қўшад ашайдиган ёши катта одамларнинг исми қўшиб айталади. Шунинг учун ҳар иккала томон ҳам ғолиб бўлиш учун астойдил ҳаракат қилади. Майдоннинг унча кўзга ташланмайдиган нариги томонида қизалоқлар кичкина бешкини ўртга қўйиб, бирин-кетин тебратиб ўтирибди. Оналари



матодан тикиб берган қўтироқни ҳали уни-си, ҳали буниси ўпиб, эрқалаб, чақалоқдай бериб қўйган. Бир қарич болалар бизлардан олдиға ўзини катталардай тўтишига қараб қўлини келди. Тугта томон кирга энг яқин хонадон — Фарҳод аканинг уйдан сумалак келди, ҳаммага тарқатилди. Маълум бўлишича, у ерда қишлоқ аёллари эрталабгача сумалак пиширган. Момон ҳам улар билан тонг оттирган, эрталаб мени олиб келиш учун уйга борган экан. Байрам тугаб, қайтиб келганимизда аям сумалакни кўриб жуда қувонди. Мен айтиб берган байрам таассуротларини эшитиб, “Насиб этди, кейинги йил бирига борайлик!” деб дуо қилди.

Хотирамга Наврўз ана шундай бирлик рамзи, шуқуҳи баланд байрам бўлиб муҳрланган. Ҳар сафар у ҳақда гап очилса, қишлоқдошларнинг ўша шодийнаси, қувончинини кўз олдимга келтираман. Қўлоқларим остида эса Малика опанинг ширали овози билан айтилган “Наврўз келибон жумлаи жаҳон нозлана, нозлана, нозланажақдир...” қўшиғи жанрнлай бошлайди.

Гулмира АБДИРАИМОВА,
магистрант

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер маҳказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жарҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
37346 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Бишорат Юнусова
Мусаҳҳис: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 23:42 Топширилди — 23:45